БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 6 (16.392) | 9 январь 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

✦ УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЗАФАРЛАРИ

✦ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ БАРАКАЛИ ЮТУҚЛАРИ

✦ ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТ БЕРМОҚДАЛАР

✦ АВИАТОРЛАР ШОНЛИ МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИЛАР

## РЕСПУБЛИКА ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сизларни катта меҳнат ғалабаси — тўққизинчи беш йиллик план ва олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги билан қизғин табриклайдилар.

Ишчиларнинг, учувчилар ва штурманларнинг, инженерлар ва техникларнинг, барча авиация ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли беш йил мобайнида юк ташишнинг умумий ҳажми бир ярим баравардан зиёд кўпайди, республика аэропортларидан 18 миллиондан кўпрок пассажир жўнатилди ва 200 минг тоннадан ортиқ почта ҳамда муҳим халқ хўжалик юклари ташилди.

Ғўзани парвариш қилишда ҳамда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олишда граждан авиациясининг ходимлари қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига жуда катта ёрдам бердилар. Улар колхозлар ва совхозларнинг қариб 27 миллион гектар даласини дориладилар.

Авиация транспортидан юксак самарали фойдаланиш, янги техникани ўзлаштириш учун кураш, ишлаб чиқариш резервлари ва имкониятларини тинмай қидириш ва ишга солиш ҳар бир авиаколлектив ҳаётининг нормаси бўлиб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг шонли авиаторлари ҳаво транспортининг иш самарадорлигини кучайтириш учун, кейин халқ хўжалигида авиациядан кенг фойдаланиш, учиш хавфсизлигини таъминлаш, пассажирларга хизмат қилиш маданиятини ошириш учун бундан буён ҳам янада сабот билан курашаверадилар ва шу тариқа КПСС XXV съездини муносиб кутиб олишга ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ортиғи билан бажаришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб астойдил ишонадилар.

Азиз авиатор ўртоқлар, социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати йўлидаги мураккаб меҳнатингизда сизларга чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

# ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ҳар тонг бизни улуғ айём — шонли Ленин партиясининг навбатдаги XXV съезди иш бошлайдиган кунга яқинлаштирмоқда. Партия комитетлари меҳнаткашларнинг куч-ғайратини съезд шарафига олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун курашга сафарбар этмоқдалар. Умумхалқ мусобақасининг қудратли тўлқини борган сари янги куч билан мавжланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленуми якунлари, шу Пленумда партия Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқда баён этилган қоида ва хулосалар, партия Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳасининг кенг муҳокама қилиниши бу мусобақага янги куч бағишлади.

Область партия конференциялари ана шундай умумхалқ кўтаринкилиги, омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги беқиёс ўсган бир пайтда ўтаётир. Область партия комитетлари ҳисобот даврида амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тадбирларни чуқур таҳлил қилиш, КПСС XXIV съезди белгилаган улуғвор режаларни амалга ошириш соҳасидаги ишларга якун ясаш асосида партия конференцияларига ўнинчи беш йиллиннинг буюк бунёдкорлик режаларини белгилаб олган ҳолда келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленумида таъкидланганидек, область партия конференциялари ишчанлик руҳида ўтиши, уларда экономика ва маданий қурилишга партия раҳбарлигининг актуал масалалари ҳар томонлама чуқур қараб чиқилиши, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, янги кишини камол топтириш соҳасидаги ишларнинг усул ва услубларини янада такомиллаштириш истиқболлари белгилаб олиниши, партиявий ишларини янада жонлантириб юборишга ёрдам берадиган амалий йўллар аниқланиши, коммунистларнинг диққат-эътибори партия илғари сураётган яратувчилик режаларини муваффакиятли амалга ошириш учун ҳаракатга қаратилиши керак. Эришилган марралар юксалгилидан туриб ишда рўй бераётган камчиликларни, ҳали тўлатўкис очилмаган масалаларни ҳал этишнинг амалий йўллари белгиланмоғи лозим.

Республика партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, шаҳар ва район партия конференцияларида халқ хўжалиги ва маданий қурилишни юксалтириш соҳасида ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга якун ясалди. Бу анжуманларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини тўғри жойлаштириш, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, янги қувватларни ишга тушириш юзасидан кўпгина фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Область партия комитетлари бу мулоҳазаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида ўз партия конференцияларига амалий таклифлар билан келишлари фойдалидир.

Совет халқининг синалган авангарди, тарихий ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Ленин партиясининг ҳар бир съездини социалистик жамият қуришда катта муваффақиятлар билан кутиб олиш анъанага айланган. Партия комитетлари В. И. Ленин таъкидлаганидек, «съездга хўжалик қурилишнинг пухта ўйланган ва барча партия аъзоларининг умумий меҳнати, умумий куч-ғайрати билан синчиклаб қайта ишланган АМАЛИЙ ТАЖРИБАСИНИ олиб келиши» лозим. Бинобарин, область партия комитетлари конференция арафасида хўжаликка партия раҳбарлиги, партиявий-ташкилий иш соҳасидаги тажрибаларни кенг равишда умумлаштиришлари керак. Бу масалалар ҳисобот докладининг ўзагини ташкил этади.

Партия конференциялари партия ташкилотлари уюшқоқлиги ва активлиги, ғоявий жиҳатдан ва сиёсий етуклигининг муҳим кўрсаткичидир. Уларда коллектив фикрининг ёрқин ифодаси — олға томон ҳаракатимизнинг истиқболли режалари ишлаб чиқилади. Шуни айтиш керакки, конференцияларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида ҳисобот давридаги ишлар таҳлили ва ўз-ўзини таҳлил асосида атрофлича таҳлил қилиб чиқилиши лозим КПСС Марказий Комитетининг Тамбов область партия ташкилотида таҳлил ва ўз-ўзини таҳлилнинг аҳволи тўғрисидаги қарорида партиянинг бу синалган қуроли тараққиётимиз суръатларини янада тезлаштириш йўлларини белгилаб олишга имкон беради, кадрларда топширилган ишга партиявий масъулиятни кучайтиради, партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатади, деб таъкидланган.

Хўжалик ва маданий қурилиш миқёслари ғоят кенгайган ҳозирги шароитда асосий эътибор интимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга қаратилиши лозим. «Ўнинчи беш йиллики сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантирамиз!» — партия амри, кенг меҳнаткашлар оммасининг аҳди шундан. Демак, конференцияларда фан-техника тараққиёти жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги вазифаларини конкретлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш бу соҳада алоҳида ўрин тутиши аён. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларда топширилган ишга масъулиятни кучайтириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни янги сифат босқичига кўтариш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврининг характерли хусусиятлари кўп. Партия ҳаёти ўзининг беқиёс қирралари билан кундалик турмушимизда намоён бўлмоқда, оммани бунеднорлик ишларининг мисли кўрилмаган режаларини рўёбга чиқаришга руҳлантирмоқда. Ҳужжат алмаштириш муваффақиятли якунланганлиги, партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар янги савияга кўтарилганлиги бу даврнинг ажойиб хусусиятидир. Конференцияларда ҳужжат алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида туғилган энг яхши иш тажрибаларини оммалаштириш тўғрисида ошнора фикр алмашиш вазиятини вужудга келтириши керак. Партия йиғилишларида коммунистлар ишлаб чиқариш командирлари, мутахассисларнинг ҳисоботларини эшитишни анъанага айлантирган партия комитетларининг фаолияти диққатга сазовор. Коммунистларни барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш, бу ишнинг самарадорлигини ошириш масалалари хусусида муфассал фикр олишмоқ керак. Ғоявий-тарбиявий ишлар ҳаёт билан яқин алоқада йўлга қўйилган, кишилар қалбига йўл топиб, уларни ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришга отлантираётган партия ташкилотларининг тажрибасини кенг ёйиш ғоят муҳим.

Конференциялар область партия ташкилотларининг раҳбар органларини сайлайди. Шунга эришмоқ лозимки, партия комитетларининг янги составида партия кенса авлодининг бой тажрибаси ёш кучлар ташаббускорлиги билан уйғунлашиб кетсин. Бу партия ва халкимиз революцион, жанговар ва шонли меҳнат анъаналари муносиб равишда давом эттирилишининг зарур омилидир. Янги сайланган партия комитетлари конференцияларда билдирилган мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқишлари, юксак минбарда айтилган таклифларни амалга ошириш учун амалий тадбирлар белгилашлари керак. Улар муҳим паллада — ўнинчи беш йиллик вазифалари муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам замин яратиладиган босқичда иш олиб борадилар. Бинобарин, область партия комитетларининг янги составлари дастлабки кундан бошлаб коммунистларни, барча меҳнаткашларни халқ хўжалик вазифаларини ва зиммага олинган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашга сафарбар этмоклари керак.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи ўнинчи беш йилликка қомил ишонч билан қадам қўйди. Ҳеч шубҳа йўқки, партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг ижодий куч-ғайратини СССР халқ хўжалигини янада юксак суръатлар билан ривожлантиришга сафарбар этадилар, барча соҳаларда юксак ўсиш суръатларига эришадилар.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

# МИЛЛИОНЛАРНИНГ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

## ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

ҚАРШИ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Қашқадарё областининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини қизғин муҳокама қилиш билан давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни кучайтирмоқдалар.

Ғузор районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари ҳам тайёрлов пунктига 40 тоннадан зиёд бўрдоқи гўшти топшириб, ярим йиллик маррани эгалладилар.

Қарши райони чорвадорлари тайёрлов ташкилотларига 660 тоннадан зиёд бўрдоқи ва сўқим гўшти топшириб, ярим йиллик планни бажариш арафасида турибди.

Тўққизинчи беш йиллик Турдибой Алимов ҳаётида чуқур из қолдирди. У машинистлар тайёрлаш курсини тамомлаб, 1971 йилда Андижон локомотив депосига ишга келди. Т. Алимов қисқа вақтда севимли касбини пухта эгаллаб коллектив орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети депутатлигига сайланди. Турдибой Алимов меҳнатда эришилган энг яхши кўрсаткичлар ҳақида КПСС XXV съездига юборилажак ғалаба рапортига имзо чекиш ҳуқуқини олиш учун бошланган мусобақада фаол қатнашиб, 100 тоннага яқин ёнилғини иқтисод қилиб қолди. Суратда: Т. Алимов.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

## МЕҲНАТГА ЯРАША ҲУРМАТ

ЯНГИБОЗОР (Тошкент области), 8 январь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Юқори Чирчик райони деҳқонларига, чорвадорларига, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, партия, совет, жамоат ташкилотларига йўллаган табриги муносабати билан райондаги «Политотдел» колхозининг маданият саройида бугун кўп кишилик митинг бўлиб ўтди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов табрикномани ўқиб эшиттирди. У қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларини эришилган катта муваффақият билан — пахта, шоли, каноп, гўшт, сут ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш тўққизинчи беш йиллик плани ва социалистик мажбуриятларининг шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғининг муддатидан илгари бажарилиши билан қизғин табриклади.

«Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Эришова, «Правда» колхозининг сут соғувчиси Р. Галимова, Карл Маркс номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи У. Олимбоев ва бошқалар митингда сўзга чиқиб, ўзларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун, район экономикасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида, қишлоқ меҳнат аҳлининг моддий фаровонлигини ошириш ва маданий-маънавий ҳаётини яхшилаш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига самимий ташаккур изҳор этдилар.

Митинг иштирокчилари ўз коллективлари фан-техника тараққиёти ва қишлоқ хўжалигида эришилган илғор тажриба муваффақиятларидан фойдаланиб, КПСС XXV съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездини муносиб кутиб олиш йўлида мусобақалашиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳосили учун барча дала ишларини юқори сифатли ва ўз вактида амалга оширадилар, чорва қишловини муваффакиятли ўтказадилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барча тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлайдилар, деб якдиллик билан ишонтирдилар.

Митинг қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети номига якдиллик билан мактуб қабул қилдилар. Гектар бошига пахта ҳосилдорлигини 42 центнер, каноп ҳосилдорлигини 200 центнер, шоли ҳосилдорлигини 70 центнерга етказиш, ҳар бир соғин сигирдан камида 3600 килограммдан сут соғиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

АНДИЖОН, 8 январь. (ЎзТАГ). Бугун Андижон область XVI партия конференцияси очилди. Область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев партия комитети иши тўғрисида ҳисобот берди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, КПСС Марказий Комитетининг инструктори С. З. Шпилевой қатнашмоқда.

* * *

НАМАНГАН, 8 январь. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область XII партия конференцияси иш бошлади. Область партия комитетининг иккинчи секретари А. П. Петров ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари П. Р. Қурбонов қатнашмоқда.

* * *

БУХОРО, 8 январь. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область XVIII партия конференцияси ўз ишини бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев ҳисобот доклади қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, СССР Министрлар Совети давлат нарх комитетининг раиси Н. Т. Глушков, КПСС Марказий Комитетининг инструктори А. Н. Шчукин қатнашмоқдалар.

## ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Ўзбекистон деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Кўпгина сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органлари, колхозлар ва совхозлар 1976 йилнинг экин авжи сув ичадиган пайтида суғориш манбаларида сувнинг одатдагидан анча кам бўлиши кутилаётганлигини ҳисобга олиб, ерларнинг шўрини ювиш ва яҳоб бериш ишлари жадал бормоқда.

Шу билан бирга сув танқислигини камайтириш учун кўзда тутилган объектларни қурилиш суръатлари, кузги-қишки тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам ҳамон етарли даражада эмас. Каналларни бетонлаштириш ва насос станцияларни барпо этиш соҳасидаги ишлар жуда сust бормоқда. Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областларидаги колхоз ва совхозларда шўрҳок ерларнинг шўрини ювиш суръатлари паст, Жиззах области, Ўрганч, Бухоро, Вобкент, Гиждувон районларидаги хўжаликларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмаётир, бу жойларда сувдан фойдаланиш коэффициенти 50-60 процентнигина ташкил этади.

Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги кўпгина колхоз ва совхозларда суғорчи шаҳобчаларни қоникарсиз бормоқда.

Область ва район партия комитетлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари сув танқислигига қарши кураш ишларини жадаллаштириш ва кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ишларини тезлаштириш учун тегишли чораларни ҳамон кўрганлари йўқ.

Декабрь ойининг охирида тоғларда канча қор борлиги суратга олинди, бу суратлар тоғлардаги қор қатламларида сув запасларининг етарли эмаслигини тасдиқлади. Бу ҳол республиканинг ерларини суғорадиган дарёларда сувнинг камчил бўлишидан яна бир бор далолат беради.

Вазиятнинг жиддийлигини эътиборга олиб, сув танқислигига қарши курашни кучайтиришга кўч-ғайратни сафарбар этиш, кузги-қишки тадбирларнинг суръатларини жадаллаштириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш керак.

Министрликлар ва идоралар моддий-техника ресурсларини биринчи навбатда сув танқислигини камайтириш учун белгиланган объектларга юборишлари керак. Партия ва совет ходимлари жойларда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги идораларининг коллективларини ана шу тадбирларни тезроқ амалга оширишга сафарбар этиш соҳасидаги ташкилотчилик фаолиятига бошчилик қилишлари керак.

## ДАСТЛАБКИ МИЛЛИАРД КУБОМЕТР ЁНИЛҒИ ТАЙЁР

«Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективига Урал ҳамда СССРнинг Европа қисмига бир миллиард кубометр ёнилғи юборишни учун атиги 6 сутка кифоя қилди. Ўтган йили бу маррага 7 суткада эришилган эди.

«Средазтрансгаз» коллективи КПСС XXV съезди очиладиган кунгача магистрал газ қувурлари орқали пландан ташқари 150 миллион кубометр газ юборишга сўз берди лар. Ўралдаги саноат районлари ана шунча ёнилғи билан тахминан уч сутка ишлай олади.

(ЎзТАГ мухбири).

## СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ЯПОНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Япония ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 8 январда Москвадан Токиога жўнаб кетди.

Аэродромда А. А. Громикони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ю. В. Андропов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Японияннг СССРдаги муваққат ишлар вакили К. Сумия бор эди. (ТАСС).

## ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев 7 январь куни Финляндия социал-демократик партиясининг раиси К. Сорсани қабул қилди. Ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида КПСС билан Финляндия социал-демократик партияси ўртасидаги бундан буёнги алоқалар тўғрисидаги масалалар, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Финляндия социал-демократик партияси делегациялари ўртасида 1974 йил декабрь ойида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисида биргаликда қабул қилинган ҳужжатда қайд қилинган қоидалар ўзининг актуаллигини тўла даражада сақлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

# ҚИШЛОҚҚА—ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «ПРАВДА ВОСТОКА», «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ», «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

## ҚЎШМА КОНКУРСИ

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши йил сайин яхшиланиб бормоқда. Хуторлар ўрнига янги, обод, замонавий посёлка ва агрошаҳарчалар қад ростлаяпти. Қурувчилар, мутахассис ва лойиҳачиларнинг катта армияси қишлоқларимиз қиёфасини тезроқ ўзгартириш учун жуда кўп куч ва меҳнат сарфламоқдалар. Улар партиямизнинг қишлоқда посёлкаларни комплекс тарзда қуриш юзасидан белгилаган планларини бажара бориб, уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишларини тобора тезлаштирмоқдалар. Улар Поп районидаги Ленин номли совхознинг «Навбаҳор», Сирдарё районидаги «Ленинград», Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозлари ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг посёлкаларини қуришда айниқса бой тажрибе тўпладилар.

«Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати», «Сельская правда» газета редакциялари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан биргаликда «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва қишлоқда турмуш маданиятини ошириш масалалари» юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган Бутииттифоқ илмий-амалий конференцияси тавсияси ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ана шу масала юзасидан қарори ва аҳоли турмуш маданиятини ошириш бўйича республика Кенгашининг қарори асосида республика колхоз ва совхозлари посёлкаларини қайта қуриш, қишлоқда турмуш маданиятни янада ўстириши кенг оммалаштириш мақсадида кўрик-конкурс ўтказишга қарор қилдилар. Бу кўрик-конкурсдан кўзда тутилган мақсад посёлка ва агрошаҳарчаларни энг яхши лойиҳалар бўйича индустриал асосда қуриш, қишлоқда кооперация асосида уй-жой қурилишини ривожлантириш, аҳолининг турмуш маданиятини ошириш юзасидан тўпланган тажрибаларни кенг ёритишдир.

Конкурсга энг яхши қурувчи, ва лойиҳачи коллективларнинг иши ва турмуши, уларнинг посёлкаларни комплекс тарзда қуриш қурилишни индустриалаштириш борасида тўплаган тажрибалари, диққатга сазовор экспериментал қурилишлар ва типовой лойиҳалар тўғрисида, кооперация асосида уй-жой қурилиши ҳақида ёзилган очерк, лавҳа, мақола, корреспонденция ва фоторепортажларни тақдим этиш мумкин.

Ана шу мақсадда газета редакциялари, телевидение ва радиода буюртмачилар, лойиҳачилар, қурувчилар, шунингдек посёлкаларда яшовчи аҳоли иштирокида бир стол атрофида суҳбатлар ўтказиш, қурилишнинг боришига раҳбарлик қилиш ва уни кенг ёритиш юзасидан ишчи мухбирлар постлари ва штаблари ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Энг яхши материаллар газета саҳифаларида босилади, радио ва телевидениеда эшиттирилаб кўрсатилади.

Кўрик-конкурс ғолиблари бўлган авторларни рағбатлантириш мақсадида мукофот таъсис этилди. Бу мукофотлар йил охирида тақдим этилади.

# ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

*ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЛОЙИҲАСИ УММУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА*

**ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ЭРИШИЛСИН. ЕР РЕСУРСЛАРИНИ, АВВАЛО ҲАЙДАЛАДИГАН ЕРЛАРНИ САҚЛАШ ВА УЛАРДАН РАЦИОНАЛ ФОЙДАЛАНИШ ТАЪМИНЛАНСИН, ТУПРОҚНИ СУВ ВА ШАМОЛ ТАЪСИРИДА НУРАШИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАДБИРЛАРИ АЙНИҚСА МАМЛАКАТНИНГ ЖАНУБИЙ ВА ШАРҚИЙ РАЙОНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛСИН.**

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

## ХАЗИНА КАЛИТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Чимбой районидаги «Маёб» шоликорлик совхози бригадири, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Райгул Жумамуротовага уч савол.**

**— Ўтган хўжалик йилининг якунидан мамнунмисиз?**

— Менгина эмас, совхозимиз, районимиз, қолаверса «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасининг коллективи ҳам ўтган хўжалик йилининг якунидан ғоятда мамнундир. Бунинг боиси бор. Тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини шараф билан ado этдик. Бошқармамизга қарашли совхозлар 1975 йилда шоли етиштиришни кўпайтиришда айниқса қувончли натижаларга эришди. Улар планда кўзда тутилган 119 минг тонна ўрнига 170 минг тонна юқори сорт шоли тайёрладилар, шундан 140 минг тоннасини давлатга топширдилар. Бу планда белгиланганидан 38 минг тонна кўп демакдир. Районимиз ҳам, совхозимиз ҳам шоли тайёрлаш планларини анча ошириб ado этди. Бригадамиз бўйича гектаридан 55 центнердан қирмизи дон хирмони кўтардик.

Мен бу рақамларни шунинг учун тилга оляпманки, **1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасида Қорақалпоғистон АССРда шоликорликни ривожлантириш ишлари давом эттирилсин** дейилган. Бу улкан вазифани бажаришга муносиб ҳисса қўшиш ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шоликорликни янада ривожлантириш учун Аму дарёсининг қуйи оқимидаги ботқоқлик ерлар, тўқайзорлар ўзлаштирилади, ҳисоб-китобларга қараганда 1980 йилга бориб шоли етиштириш учун фақат «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармаси бўйича ўзлаштирилган ер 60 минг гектарга етказилади, янги шоликорлик хўжаликлари бунёдга келтирилади. Шу муносабат билан лойиҳада белгиланган тадбирларни қизғин маъқуллаб, **янги ерлар ўзлаштиришдан ташқари ҳар бир совхоз территориясидаги фойдаланилмай ётган ерлар ҳам ўнинчи беш йилликда деҳқончилик оборотига киритилсин,** деган таклифни ўртага қўймоқчимиз. Бу билан, аввало, хўжалик раҳбарларининг ўз территориясида бекор ётган ерларни тезроқ ўзлаштириш масъулиятини оширса, қолаверса, шоли етиштиришни кўпайтиришда муҳим резерв бўлади. Ошкора айтиш керакки, ҳар бир хўжалик территориясида шундай ерлар анчагина бор.

Бир совхознинг бригадири нима учун бутун Автоном республикада шоли етиштиришнинг тақдири билан қизиқади деган савол туғилади. Бу саволга лойиҳада аниқ жавоб берилган: **хўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги ишларда чинакам партиянлий услубни барқарор қиляпмиз, ишлаб-топшириқларнинг бажарилиши учун барча ходимларнинг масъулиятини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ижрони текширишни яхшилаш керак.** Ҳаммамиз шоликор деҳқонларимиз, шундай экан, белгиланган план-топшириқларнинг бажарилиши учун баравар масъулиятлимиз. Шоликорлик истиқболлари ҳақида гап бораркан, бу менинг вазифамга кирмайди деб қараб туришга ҳаққимиз йўқ.

Мен шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Халқимиз меҳнатдан қочмайди, давлатимиз ўғит ва машиналарни кўплаб етказиб беряпти. Шундай экан, ботқоқзорлар, тўқайзорларни ўзлаштириб, улкан шоликорлик зонаси бунёдга келтираётган кишилар ҳақида ғамхўрлик ҳам кучайтирилиши зарур. Афсуски, қурилиш-ободончилик ишлари янги ерлар ўзлаштирилишидан орқада қоляпти. Масалан, тўққизинчи беш йилликда бошқармамиз бўйича 20 минг гектар янги ер ўзлаштирилган бўлса, 82 минг квадрат метр уй-жой бинолари қурилди холос. Бу талабни тўла қондирмайди. Шу боисдан **янги ерлар ўзлаштириш билан бирга ўша жойларда қурилиш, ободончилик ишлари ҳам кучайтирилсин,** деган иборалар лойиҳага киритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки шинам уй-жойларда бадавлат ҳаёт кечирган ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

**— Райгул Жумамуротовна, шоликорлик соҳасидаги ишларни комплекс механизациялаш борасида қандай фикрдасиз?**

— Ҳақиқатда кейинги йилларда шоли етиштириш ишларида комплекс механизация ҳукмрон кучга айланди. Буни ўз бригадам мисолида ҳам яққол кўриб турибман. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларни турли маркадаги комбайн ва механизмлар бажаряпти. Натижада ҳосилдорлик кўтарилиб, шолининг сорти юқори бўляпти, исрофгарчилик ҳоллари тугатиляпти. Энг муҳими — маҳсулот таннархи арзонлашяпти. Ўтган йилдагина бошқармамиз бўйича бир центнер шолининг таннархи пландаги 24 сўм 20 тийин ўрнига 20 сўм 90 тийинни ташкил этди. Бу ҳар бир хўжаликда давлатнинг катта маблағи тежаб қолинди деган сўз. Лойиҳада кам ишлаб чиқилиб кўп ва юқори сорт маҳсулотлар етиштириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Биз шу йўлдан бормоғимиз керак.

Лекин шоликорлик ишларини механизациялаш даражаси ҳамон талабга тўла жавоб бермаётганидан кўз юма олмаймиз. Ўрим-йиғим даврида эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида комбайнлар бекор туриб қолади, юқори ташкилотларга ёзишмалар, телефон қўнғироғи қилишлар бошланади. Талабимиз ҳа деганда қондиралавермайди. Фурсат ўтиб, шоли ҳосилининг бир қисми тўкилади, сорти пасаяди. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки деҳқончилик йилидан бошлаб ана шундай кўринишларга барҳам беришимиз керак. Мен **лойиҳага ҳар бир хўжаликдаги комбайнлар ва бошқа техника воситаларининг миқдори аниқ ҳисобга олиниб, эҳтиёт қисмлари вақтида етказиб берилсин,** деган сўзларни ёзиб қўйишни таклиф қиламан. Айни кезда пахтакорлар кўплаб механизатор кадрлар тайёрлаётгани, уларнинг малакасини ошириш ҳақида бош қотираётганлари сингари, шоликор хўжаликларда ҳам малакали механизатор-комбайнчи кадрлар тайёрлашни кучайтирмоғимиз керак.

Ниҳоят, шоликор хўжаликларни тезроқ давлатга соф фойда келтирадиган даражага кўтаришимиз керак. Бунинг учун ҳосилдорликни ошириш, сортни яхшилаш билан ортиқча сарф-харажатларни тугатишимиз лозим. Бошқармамиз шоликорлари ўтган хўжалик йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Ишлаб чиқариш планида якунловчи йилда давлатга 4 миллион 40 минг сўм соф фойда келтириш белгиланган эди. Шоликорларимизнинг фидокорлик билан қилган меҳнатлари туфайли 7 миллион 700 минг сўм соф фойда келтирилди. Аммо имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Айрим совхозлар, бўлимлар, бригадалар паст ҳосил олиб, кутилганча даромадга эга бўлолмаяпти. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи даврасидан бошлаб барча шоликор хўжаликларда ҳосилдорликни кўтариш, сортни яхшилаш йўли билан умуман ялпи даромад, ҳусусан соф фойдани кўпайтириш чораларини кўрмоғимиз керак. Лойиҳада ҳам шу ғоялар олға сурилган.

**— Ҳосилдорликни ошириш режаларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз?**

— Ҳосилдорликни ошириш бош масала бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бизнинг бригадамиз 210 гектар майдонда шоли етиштиради. Яқингача гектаридан 40-45 центнердан хирмон кўтариб келардик. Ўтган йили ҳосилдорликни 55 центнерга етказдик. Демак, ана шу кўрсаткични янада ошириш учун имкониятларимиз бор. Илғор бригадалар гектаридан 85-90 центнер, ҳатто ундан ошириб хирмон кўтаряпти. Бунга бирданига эришиш қийин албатта. Лекин шоликор деҳқонлар эгаллай олмайдиган марра йўқ. Астойдил меҳнат қилсак, юз центнерлик чўққига ҳам кўтарилишимиз мумкин ва керак. Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, 1976 йилда ҳар гектар майдондан 60 центнердан шоли ҳосили етиштиришга қарор қилдик, беш йилликнинг қолган босқичларида ҳам ҳосилдорликни йилига 5-6 центнердан ошириб борамиз.

Шоликорларимизнинг турмуши тобора яхшиланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Улар асрий ботқоқзор ва тўқайзорлар ўрнида қурилган шинам уйларда фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Лекин юқорида айтилганидек, бундай уй-жойлар ҳали кам. Ҳамма жойда Ильич чироқлари порлаб турибди. Маданий-маиший, маданий-оқартув муассасалари сони кўпайяпти, шоликорлар енгил машиналар, мотоцикллар ҳарид қиляпти. Ўнинчи беш йиллик план лойиҳасида белгиланган улуғвор вазифаларни бажариш билан Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада оширамиз, пири-бадавлат ҳаёт эгаси бўламиз.

Қорақалпоғистон Автоном республикасининг шоликорлари лойиҳада белгиланган тадбирларни чин юракдан маъқуллайдилар.

Партиямизнинг XXV съезди шарафига меҳнат қилаётган Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози механизаторлари мавжуд техникани кўнлам экиш кампаниясига тахт қилишяпти. Селяка ва ҳайдов тракторлари сифатли ремонт қилинмоқда. Суратда: пешқадам ремонтчилардан Пўлат Оққулоқов иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

## МЕДИЦИНАМИЗ УФҚЛАРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Халқ сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, турли қасалликларнинг олдини олиш, кишиларнинг меҳнат кобилиятини ошириш ва уларнинг умрини узайтириш социалистик жамият, партия ва давлатимизнинг асосий мақсадларидан биридир. Тўқкизинчи беш йиллик даврида республикамиз медицина ходимлари бу улуғвор вазифани амалга ошириш йўлида ўзларининг бутун куч ва билимларини аямай саъй-ҳаракат қилдилар.

Республика шифохоналаридаги ўринлар сони сўнгги беш йил мобайнида 25 мингтага кўпайди. Эндиликда республикамизда 1190 та касалхона, 1200 та амбулатория-поликлиника муассасалари, уч юзга яқин ихтисослаштирилган диспансер, 900 дан ортиқ аёллар ва болалар консультациялари, икки юзта даволаш пунктлари, 175 та санитария-эпидемиология станциялари, 1230 та дорихона ва уч минг та дорихона пунктлари, 5700 тадан ортиқ фельдшер-акушерлик пунктлари, 55 та санитария маориф уйлари, 43 та санаторийлар ва бошқа соғлиқни саклаш муассасалари ишлаб турибди. Якинда замонавий электрон хисоблаш маркази ташкил этилди.

Хозирги вактда республикамизда олтита медицина олий ўқув юрти, 21 та медицина билим юрти, ўн бешта илмий-текшириш институти, тўртта марказий лаборатория мавжуд. Бўларда кўплаб фанлар доктори, фан кандидатлари, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзолари, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари ва шу академиянинг мухбир аъзолари илмий-тадкикот ишлари олиб бормокдалар. Бу ёйрик марказий клиникалар аҳолига медицина ва дори-дармонлар билан хизмат кўрсатишнинг ягона системасини ўзида ифода этади.

Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида кишлок аҳолисига медицина ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш борасида ҳам бир катор тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқлардаги кичик касалхоналар кенгайтирилиб, айримлари тугатилди, уларнинг ўрнига ёйрик ихтисослаштирилган бўлимлар ва қишлок амбулаториялари ташкил этилди. Марказий район касалхоналарининг сони 112 тадан 126 тагача кўпайтирилди.

Ўтган беш йил мобайнида медицина хизмати кўрсатишнинг бошка ихтисослаштирилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган турлари ҳам янгитдан ташкил этилди ва кенгайтирилди. Масалан, юрак ва кон-томир, ўпка, ошкозон, ичак органлари касалликларини ўрганиш марказлари, электрон микроскопия кафедраси, кон касаллиги лабораториялари янгидан ташкил қилинди.

Республикада соғлиқни саклашни янада ривожлантиришда соғлиқни саклаш объектларини капитал қурилиши масаласи асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Тўқкизинчи беш йилликда медицина объектлари қурилишига 174 миллион сўмлик маблағ планлаштирилган бўлиб, 10 минг ўринли касалхонани ва 14380 киши қатнайдиган поликлиникаларни ишга тушириш кўзда тутилган эди. Бу ютуқларга партия ва совет ташкилотларининг ёрдамида эришилди. Саккизинчи беш йилликдагига нисбатан тўқкизинчи беш йилликда капитал қурилиши ҳажмининг миқдори 28 процентга ошди, шифохоналар тармоқларини кенгайтириш бўйича 39 процентга ўсди. Ўтган беш йилликда қуйидаги соғлиқни саклаш объектлари: Улка медицина илмий-текшириш институти, 350 ўринли касалхонага эга бўлган Бутуниттифок клиник ва экспериментал хирургия илмий-текшириш институтининг филиали, 750 ўринли Андижон медицина институтининг клиник касалхонаси, Жиззах, Бухоро ва Денов ҳамда Нукус шаҳарларида замонавий техника билан жиҳозланган 300 ўринли кўп тармоқли янги касалхона иш бошлади. Ҳар бири 240 ўринли Оққўрғон, Оҳангарон, Қувасой, Пахтакор, Фарғона ва Ангрен шаҳарларидаги касалхоналар, Чирчиқ, Бухоро ва Андижон шаҳарларидаги болалар шифохоналари, кўпгина бошқа янги поликлиника, диспансер ва даволаш муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тўқкизинчи беш йилликда партия ва совет органларининг ёрдами билан Ўзбекистонда медицина кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Болаларга малакали медицина ёрдами кўрсатишни яна яхшилаш, болалар муассасалари учун медицина кадрлари тайёрлашни кенгайтириш мақсадида 1972 йили Тошкент шаҳрида Урта Осиё медицина педиатрия институти очилди.

Республика медицина олий ўқув юртлари ҳар йили уч минг нафардан ортиқ мутахассис тайёрлаб чиқаради, 21 та медицина билим юрти эса ҳар йили тўққиз мингдан ортиқ ўрта медицина ходими етиштиради.

Ўтган беш йиллик мобайнида республикадаги медицина илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари томонидан қилинган ихтиролар бўйича 76 та авторлик гувоҳномаси олинди, 33 та илмий иш авторлик гувоҳномалари олиш учун юборилди, медицинага оид янги муҳим кашфиётлар рўйҳатдан ўтказилди.

Республикамизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун кўплаб янги болалар шифохоналари, аёллар консультациялари, ихтисослаштирилган бўлимлар ва янги туғруқхоналар ишга туширилди.

Бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни янада кенгайтириш мақсадида Тошкентда акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти очилди.

Республика соғлиқни сақлаш органларининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Масалан, фақат медицинага оид техникавий асбоб-ускуналар олишга етмиш миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Тўқкизинчи беш йиллик планни муваффақият билан амалга ошириш натижасида совет халқининг, жумладан республикамиз аҳолисининг моддий ва маданий фаровонлиги юқори кўтарилди. Медицина фанининг тараққиёти, соғлиқни саклаш ташкилотлари ишининг яхши йўлга қўйилиши, кадрларнинг кўпайиши, иш сифатининг бирмунча юқори кўтарилишга, аҳоли ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олишга, айримларини батамом тугатишга (қўқиётал, бўғма, қизамик) бўзиларини камайтиришга (тиф, дизентерия, ичак ва ошқозон яллиғланиши) сил ва таносил касалликларининг олдини олиш чораларини кенг кўламда амалга оширишга имконият туғдирди.

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездига лойиҳаси эълон қилинди. Бу режалар бутун халқимизни руҳлантириб, уларни янгидан-янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Бу муҳим ҳужжат республикамиздаги барча медицина ташкилотларида, илмий-текшириш институтларида, олий ўқув юрти ва билим юртларида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Шунинг учун медицина муассасаларида кўп сонли тиббий ходимларимиз, олимларимиз шифохоналардаги иш фаолиятини сифатини янада яхшилаш, юрак ва қон томир, ўпка ва юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида бир катор муҳим таклифларни ўртага ташлаб, уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бермоқдалар.

**Лойиҳада медицинанинг тараққиётига катта ўрин берилган. Жумладан, «Соғлиқни саклаш муассасаларининг ва аҳолининг медицина буюмларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш мақсадида медицина саноати корхоналарида ҳам, шунингдек бошқа тармоқларининг корхоналарида ҳам шу буюмларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилсин» дейилган. Бироқ клиника ва шифохоналарда ҳамон зарур медицина жиҳозлари етишмайди. Бизнингча, ана шу аҳволни ўнинчи беш йилликда медицина саноати корхоналари ишларини планлаштириш чоғида ҳисобга олинса айни муддао бўларди.**

Ўнинчи беш йилликда республика соғлиқни саклаш муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган ихтисослаштирилган медицина ёрдамининг сифати ва ишни тўғри ташкил этиш даражасини янада юқори кўтаришга, замонавий фан ютуқлари, диагностика ва даволашнинг янги методлари медицина амалиётига кенг кўламда жорий қилинишига алоҳида эътибор берилади. Кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган даволаш муассасалари қурилиши сифатини яхшилаш асосида соғлиқни саклашнинг моддий базасини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Аҳолини медицина кўрсатидан ўтказиш ва шу йўл билан турли касалликларнинг олдини олиш кўзда тутилади. Медицинага оид ахборотларни ишлаб чиқаришда электрон-ҳисоблаш техникаси воситаларидан ва иқтисодий математика методларидан унумли фойдаланиш, кўпрок йирик медицина муассасалари ва ихтисослаштирилган шифохоналар комплексларини барпо этиш мўлжалланади.

Шу мақсадда ўнинчи беш йилликда Узбекистон ССР соғлиқни саклаш системаси бўйича қўшимча равишда касалхонадаги ўринлар сонини 1975 йилдаги 143 мингтага нисбатан, 1980 йилга бориб 178,4 мингтагача етказиш мўлжалланади.

Узбекистон Соғлиқни саклаш министрлиги системасида санаторий тармоклари келгусида янада ривожлантирилиб, ўнинчи беш йилликда улардаги ўринлар сони 16 минг 500 тага етказилиши, амбулатория-поликлиника муассасаларида бир йўла 123,5 минг кишини қабул қилиш даражасигача етказиш мўлжалланмоқда.

1980 йилга бориб, республика соғлиқни саклаш системасида врачларнинг умумий сони 45 минг нафардан ошади, ўрта медицина ходимларининг сони эса 147 минг нафар кишига етади. 1976—1980 йилларга мўлжалланган план лойиҳасида фақат давлат капитал маблағи ҳисобидан 178 миллион сўмга яқин соғлиқни саклаш объектлари қуришни амалга ошириш планлаштирилган. Бу планга кўра 14620 ўринли шифохоналарни ишга тушириш ва 16250 нафар киши қатнайдиган поликлиникаларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилади.

Ўнинчи беш йилликда актуал масалалар ва йўналишлар бўйича илмий ишларини янада кенг кўламда ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Айниқса медицина фани ютуқларининг ҳар томонлама амалда жорий этилишига, медицина ёрдами кўрсатишнинг барча турларини, айниқса қишлоқ жойларида янада яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Янги беш йилликнинг ёрқин уфқлари совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

**Қ. ТУЛАГАНОВ,**
**Узбекистон ССР Соғлиқни саклаш министрининг биринчи ўринбосари.**

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ ГРАЖДАНИ НОМИ— ЮКСАК НОМ

Мамлакатда янги нусҳадаги паспортлар топшириш давом этмоқда. Бу паспортларни партия меҳнат ва уруш ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бўлган кекса кишилар ҳамда ўн олти ёшга тўлган ёшлар олмоқдалар. Улар қонуний фахрланиш ҳисларига тўлиб, «Мен Совет Иттифоқи гражданиман» демоқдалар.

Янги ҳужжатларни топшириш ҳамма жойда совет ватанпарварлиги намойишига, улуғ Совет Ватанига муҳаббат намойишига айланиб кетмоқда.

Воронеж шаҳридаги Коминтерн районининг донгдор кишилари байрамона ясаниб, жангда ва меҳнатда олган орден, медалларини тақиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гражданининг янги паспортини олиш учун келдилар. Улар орасида «Электросигнал» заводининг слесари В. Ф. Шаламов, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари — запасдаги генерал-майор А. П. Баженов ва жонажон шаҳарни фашистлардан озод этиш учун олиб борилган жангларнинг қатнашчиси В. П. Коржовлар бор. Яқиндагина армия сафидан бўшаган, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, шунингдек энг яхши ўнинчи синф ўқувчилари шу ветеранлар билан бир қаторда янги кизил муқовали паспортни биринчи бўлиб олишдек юксак шарафга муяссар бўлдилар. Уларга янги ҳужжатни Коминтерн номли машҳур экскаватор заводининг темирчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. Ф. Ануччин топширди.

Кўкчатовда мастер М. А. Абилқосимов биринчи бўлиб паспорт олди. Бу ном шаҳарликларга яхши маълум. Яқинда, Кўкчатовнинг 150 йиллик юбилейи кунларида унга «Шаҳарнинг фахрий граждани» номи берилди. Мағзи Абилқосимович бу ерда 34 йилдан буён меҳнат қилмоқда. Унинг иккита қизи, ўғли, хотини у билан бирга ишлямоқда. Ўғли ҳозир Совет Армияси сафларида хизмат қилмоқда.

— Янги паспортни, — дейди ишчилар сулоласининг бошлиғи, — энг азиз ҳужжат сингари сақлайман. Фарзандларимга ҳам шуни маслаҳат киламан. Жаҳонда биринчи Советлар мамлакатининг граждани бўлиш катта бахтдир.

Қадимий Заволжьедаги Кострома районининг Саеть қишлоғи маданият уйи байрамона безатилган. «XII Октябрь» колхози ташкил топганидан буён ўтган 45 йил мобайнида қўлга киритилган Кизил байроклар саҳнага қўйилган. Кострома район ижроия комитетининг раиси А. Максимов ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. А. Малининга паспорт топширади. П. А. Малинина шу қишлоқда 70 йил яшаб, ўттиз йилдирки маҳаллий колхозга бошчилик қилмоқда. Саметь Малининанинг кўз ўнгида, унинг фаол иштироки билан қашшоқ қишлоқчадан замонавий обод қишлоққа — юқори Волгадаги илғор колхознинг марказий қўрғонига айланди.

— Мен ана шу фахрли мандатни қўлимда ушлаб турар эканман, — дейди П. А. Малинина, — қалбим ўзим учун улуғ давлатимиз гражданлари бўлган барча совет кишилари учун, ҳамкасбларим учун фахрланиш ҳисларига тўлади. Биз давлатимизнинг қудратини ўз фидокорона меҳнатимиз билан мустаҳкамлаймиз.

Дала ва фермаларнинг илғорларидан катта бир группаси Малининадан кейин янги паспортлар олишди.

Калинин областидаги Прямухино қишлоғидан Федор Федорович Корнетовнинг паспортига 1897 йилда туғилган деб ёзилган. Федор Федорович ишчи ва деҳқонларнинг тарихда биринчи республикасини граждан лар уруши фронтларида ҳимоя қилди. Сўнгра эндигина тузилган колхознинг умумий ерида ғалла етиштирди. Оғир дамлар келганида Ватанни гитлерчилардан қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқ учун яна қўлига қурол олди. Уруш тугагандан кейин яна жонажон колхозига қайтиб келди. Ҳозир Федор Федорович пенсияда бўлса ҳам колхозга қўлидан келганича ёрдам бермоқда.

Советлар мамлакатининг ёш граждани — кечаги ўқувчи, хозир эса колхоз механизатори Александр Тимошченков ҳам шу куни янги паспорт олди. Одамлар уни якдиллик билан табрикладилар: у зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Ашхободда «Туркменковер» ишлаб чиқариш бирлашмаси асосий корхонасининг меҳнаткашлари биринчи бўлиб янги паспорт олдилар. Нижний Тагилнинг меҳнат ва уруш ветеранларига янги ҳужжатлар топширилди.

**(ТАСС мухбири).**

## ПИШИБ ЕТИЛГАН МАСАЛА

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида саноат, фан ва маданиятга жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдори ва турлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Кейинги йилларда шаҳарда лифтсозлик чинни, уй-рўзғор холодильники каби ёйрик заводлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Партия XXIV съезди Директивалари асосида суперфосфат заводи реконструкция қилиниб кенгайтирилди, янги замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш комплекси бунёд этилди. Аммофос цехи ишга тушиш арафасида турибди.

Барча совет кишилари қатори шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилаётирлар ва ўзларининг конкрет таклиф ва мулоҳазаларини айтмоқдалар. Тараққиётимизнинг ёрқин истиқболини кўрсатиб берган бу тарихий ҳужжатда **«Олий ва ўрта махсус маълумотли 9,6 миллион мутахассис тайёрлансин. Ишлаб чиқарувчи кучлар интенсив ривожлантирилаётган районларни кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин»** дейилган. Самарқанд шаҳри ҳам интенсив ривожланаётган районлар жумласига киради. Шаҳримизда саноат корхоналарининг тармоғи йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги туфайли инженер-техник ходимларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Ана шуни ҳисобга олиб, **Самарқанд шаҳрида янги техника олий ўқув юрти ташкил этишни жуда зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бу — пишиб етилган масала.** Шундай олий ўқув юртини ташкил қилиш учун шаҳримизда тегишли имконият ва база мавжуд.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги мазкур масаланинг иқтисодий аҳамиятини назарда тутиб, уни ижобий ҳал этса, айни муддао бўлар эди.

**А. ОТАХЎЖАЕВ,**
**Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг ректори, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Олий Советининг депутати.**

ҚОРАТУПРОҚ БЎЛМАГАН ЗОНАДА РИВОЖЛАНИШНИНГ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

# ИККИНЧИ ҚЎРИҚ ЧОРЛАЙДИ

Шимск районидаги колхозлар ва совхозларда мелиоратив ишларини бажара бориб «Тошкент-1» механизациялаштирилган кўчма қурилиш колоннаси коллективи бир маҳаллар бекор ётган одоқ ерлардан 1050 гектарини экинзорга айлантирди.

Берилган топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Ўзбек мелиораторлари қишлоқ хўжалиги ерларини тезроқ ўзлаштириш учун деҳқонларга ёрдам бериш мақсадида келганларидан буён, Уторгош станциясида техникани туширганларидан буён орадан бор-йўғи бир йил ўтди. Новгород қўрик ерини очиш улар учун кўчма вагончалардан, одамларни ана шу янги ишга ўргатишдан бошланган эди. Лекин ҳозирок ана шу орзу қилинган нарсаларни рўёбга чиқариш борасида анчагина иш амалга оширилди. Энг муҳими шуки, ҳар қандай вазифани ҳал этишга қодир коллектив яратилди. Бинокорлар бригадасининг бошлиғи А. П. Хомутинников Шимскга энг пешкадамлардан бири бўлиб келди. Унинг ўзи ва ўртоқларидан етти киши жамики қулайликлари бор бўлган янги квартираларни олишди. Мелиораторларнинг тағин ўн тўртта оиласи янги уйларга кўчиб киришди. Янги ҳовли тўйини ўтказиш янги жойда, хусусан ҳеч нарса йўқ жойда ўтказиш айниқса ҳамиша қувончлидир. Ўзбекистонлик мутахассислар Новгород диёрига ўрганиб қолдилар. Бу замин уларга тобора қадрдонроқ жой бўлиб қолмоқда. Чунки улар бу ерда куч-ғайратларини сарфламоқдалар, қора тупроқ бўлмаган зонани ўзгартиришдан иборат умумхалқ қурилишининг иштирокчилари эканликларини ҳис қилмоқдалар. Улар ўзларига фахрли ва масъулиятли иш ишониб топширилганлигини биладилар. Мана шу ҳис-туйғу, мана шу тушунча уларнинг меҳнат жасоратларига сабаб бўлмоқда. Уй-жой қурувчиларидан А. Хомутинников, Н. Афанасьев, Л. Трусова, мелиораторлардан М. Зезюлин, Ю. Матвеев, А. Селюнин, В. Лосев, И. Разецкий ва бошқа ўнлаб кишилар бошқалар учун ибрат кўрсатмоқдалар. Белорус Николай Лобан Тошкентни қайта қурганч кейин Шимскга келди. Унинг кетидан рафиқаси билан ўғли ҳам етиб келишди. Командировка аллақачон тугади, лекин у бу ерда қолмоқда, чунки бу ерлар унга қадрдон жой бўлиб қолди! Ҳамма ишга моҳир Лобан уй ҳам қурди, Тошкент ва Наманган номли кўчаларида сув қувури ҳам чиқазди. Техникани ремонт қилди ва созлаб берди. Эндиликда эса зовур казувчилар бригадасига бошчилик қилмоқда. Унинг бригадасида руслар, ўзбеклар, тожиклар, латишлар, литваликлар бор. Қурилиш уларнинг ҳаммасини бир тан ва бир жон қилди. Гарчи улар С. Рижий бригадасига етиб олишолмаган бўлса ҳам, йигитлар янги рекордлар қўйилаверади деб ишонишади.

Станислав Рижий бошлиқ бригадага етиб олиш осон эмас. У бу ерга ҳаммадан кеч келган бўлса ҳам шундай кишиларни танлаб олдики, улар ғайратлари билан ҳаммани қойил қолдиришмоқда. Ёз кунларидан бирида ана шу бригада ишчилари планда кўрсатилган 360 метр ўрнига 2200 метр қувур етқизди! Бригада ўзининг ана шу рекордини ҳамон пасайтиргани йўқ. Дарвоқе турдош бригадалар ўртасида социалистик мусобақада биринчиликни қўлдан бой бергани ҳам йўқ. Меҳнат қилиш учун қулай мавсум тугаб қаҳратон совуқлар фасли бошланди. Лекин бу бригада ана шундай совуқларни ҳам писанд қилмаётир. Механизациялаштирилган колонна ишчилари бош мутахассислар ёрдамида «ЭТР-162» маркали ротор экскаваторини зовур қазишга мослаштирдилар. Бу ротор экскаватори 45 сантиметр чуқурликкача музлаб қолган ерни очиб беради. Қолган ишларни эса кўп чўмичли экскаваторлар бажаради. Бригада аъзолари А. Емельяненко, В. Ковалев, А. Егоров, Т. Бозорқулов ва бошқалар қиш пайтида ҳам нормадаги 180 метр ўрнига уч юз метр ва ундан кўпроқ қувурни ётқизмоқдалар.

С. Рижий ва унинг ўртоқлари ташаббусини бошқа коллективлар ҳам қўллаб-қувватлашди. Иккита ротор экскаватори учта бригада учун иш жойини дарҳол тайёрлаб бермоқда. Меҳнат унумдорлиги анчагина ўсди. Тағин битта ротор экскаватори ишга тайёрланмоқда. «Тошкент-1» механизациялаштирилган кўчма қурилиш колоннасининг механизаторлари билан ишчилари ўнинчи беш йилликнинг икки ойлик программасини КПСС XXV съезди очиладиган кунгача бажарамиз деб сўз бердилар.

Новгород диёрида ўзбек мелиораторлари бир йил ишлашди. «Узновгородводстрой» трестининг бош инженери О. Жигулев ТАСС мухбирига бундай деди:

— Бир йилнинг натижалари бу — катта программанинг бошланиши холос. Мутахассисларимиз партия даъватига биноан ана шу катта программани бажаришга киришдилар. Келгуси йилдаёқ мелиоратив ишларнинг ҳажми икки баравардан зиёд ортади, беш йиллик мобайнида эса бир неча ўн минг гектар майдоннинг ботқоғини қуритиш ва суғориш керак, Новгород яқинида «Тошкент» сут-сабзавот совхозини қуриш керак. Бу ишнинг уддасидан чиқиш учун тағин иккита— «Тошкент-3» ва «Тошкент-4» механизациялаштирилган кўчма қурилиш колоннаси барпо этиш зарур. Бу лардан биринчиси уй-жой қуради, иккинчиси ерларни янгидан тайёрлаб беради. Табиийки турли мутахассислик эгаси бўлган кишилар талаб этилади. Кам деганда 600 киши зарур бўлади. Йигитлар ёки қизлар касби-кор эгаси бўлмаса бунинг зарари йўқ. Новгородда мелиораторлар тайёрлайдиган курслар бор, ёши улуғ кишиларга ҳам ана шу курсларда кўмаклашилади. Биз айниқса ўзбек ёшларидан кўп нарсаларни умид қиламиз. Улар «Комсомольская правда» газетасининг даъватига лаббай деб жавоб қайтариб қора тупроқ бўлмаган қўриқ ерда меҳнат жасоратини кўпайтирадилар деган умиддамиз. Бизнинг ёнимизга ишлагани келаётган кишилар учун ҳамма нарса муҳайё деб ваъда бераолмаймиз, жамики қулай шароитларни улар ўзлари учун ҳам, бошқалар учун ҳам яратишлари керак. Лекин уларнинг кўнглига мос иш топиб бера оламиз. Дам олиш ҳам ранг-баранг бўлади: Новгород, Псков, Ленинград ва бошқа шаҳарларга экскурсиялар уюштирилади, театрлар, концертларга борилади. Бадиий ҳаваскорларимиз бор. Спорт мусобақалари ва ўйинларни ташкил этамиз. Ахир одам боласи нимани хоҳласа шунга эришиши мумкинда. Агар сен баликчи ёки овчи бўлсанг ёнгинангда жуда яхши кўллар ва дарёлар, бепоён ўрмонлар бор. Хуллас Сольци ва Шимскга келинглар, сизларни кутамиз. Иккинчи қўрик ер сизларнинг доимий уйингиз, ҳаётий бурчингизни амалга оширадиган жойингиз бўлиб қолади, деб ишонамиз.

Новгород.
(ТАСС мухбири).

# ОТА ИЗИДАН

Нуротада чўпон қиз Фарида Ёқубованинг номини эшитмаган киши жуда кам топилади. Касбига ихлос қўйганлиги, сергайрат ва ишчанлиги туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонган, номи катта йиғин ва анжуманларда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолган бу азамат қизнинг таъриф-тавсифи эл оғзидан тушмай келяпти. Кимдан у ҳақда сўрасангиз чеҳрасига табассум югуради. «Э Ёқуб аканинг қизими, ўтолов экан азамат».

Асли иш мана бундай бўлган эди. «Нурота» совхози ишчиси, насл-насаби чўпон бўлган Ёқуб ота Юсупов қарилик пенсиясига чиқиш тараддудини кўргандан кейин ўйланиб қолди. Кунни кун, кечани кеча демай парваришлаб боқаётган, ўз ҳаётининг бир қисмини бағишлаган отарини кимга топшириб кетиш? Ёқуб ота ўтди-ю, юраги бетламади. Қиз бола бўлса, ҳали ёш, эплармикан? Аммо, Фаридининг қатъиятлиги, ўзига бўлган қаттиқ ишончи уни хотиржам қилди. Фарида отарни жонидили билан қабул қилиб олажаги, чўпонлик касбига ёшликдан ҳавасманд эканлигини билдирди. Ёқуб ота зўр хурсандчилик билан отарини қизига топширди.

Мана, орадан уч йил вақт ўтди. Нурота тоғларида уч бор баҳор гилам тўшаб, қиш уч бор оқ кўрпасини ёзди. Фарида бу йиллар синовидан муваффақиятли ўтди. Отар кетидан юриб кўкламнинг шўх жилвагар табиатини ҳам, қаҳратон қишнинг аёзли кунларини ҳам бошдан кечирди. Иродаси мустаҳкамлигидан отанинг изини босди. Иш кўрсаткичлари йилдан-йилга орта борди. 1975 йилда ҳар юз совлиқдан 150 тадан қўзи олиб, пешқадам чўпонлар сафига ўтиб олди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Беш йилликнинг ёш гвардиячиси» нишони билан тақдирланди. Қишловга пухта ҳозирлик кўрганлиги учун шу кунларда унинг муваффақиятли ўтишини таъминламоқда.

Ёш чўпон Фарида Ёқубова ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун янада юқори социалистик мажбурият қабул қилди. У бу йил ҳар юз совлиқдан 160 тадан қўзи олиш ҳақида тантанали сўз берди. Фарида ана шу ниятини амалга ошириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

**Суратда: Фарида Ёқубова.**
**Р. Ғафуров** фотоси, (ЎзТАГ).

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## КУРАШНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

ПАРИЖ, 7 январь. (ТАСС). Франция Компартияси Сиёсий бюросининг «Юманите» газетасида эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: янги, 1976 йил ишсизлик, инфляция яна меҳнаткашларнинг харид қувватини пасайиб кетадиган йил бўлиб қолиши мумкин. Бензин, уйларни иситадиган мазут, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳозирданоқ кўтарилди. Темир йўлларда қатнов тарифлари ва почта-телефон харажатлари кўпайтирилди. электроэнергия ва газ учун тўланадиган ҳақнинг кўпайтирилиши кутилади.

Баёнотда айтилдики, бу ҳол миллионларча меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари учун қийинчиликларнинг авж олишидан, қашшоқлик ва истиқболга ишончсизлик кучайишидан далолат беради. Айни вақтда маъмурлар ўз талабларини қондириш учун курашаётган меҳнаткашларга қарши репрессия чораларини амалга оширмоқдалар.

Франция Компартиясининг Сиёсий бюроси қуйидагиларни уқтириб ўтади: коммунистлар корхона эгаларини ва маъмурларини меҳнаткашларнинг оғир аҳволини енгиллаштириш йўлида конкрет тадбирлар кўришга мажбур этиш мақсадида эркинликларни ҳимоя қилиш ва кенгайтириш йўлидаги курашнинг ҳамиша олдинги сафларида бораверадилар.

## ПОЛЬША МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҚИЗҒИН ҚУТЛОВЛАРИ

ВАРШАВА, 7 январь. (ТАСС). СССРнинг Варшавадаги элчихонаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номига партия ташкилотларидан, корхоналар ва муассасаларнинг, олий ўқув юртлари ва мактабларининг коллективларидан, Польша—Совет дўстлиги жамиятлари ташкилотларидан ва айрим граждаилардан икки мингга яқин мактуб ва телеграмма олди. Шу мактубларда халқаро кескинликни юмшатиш ишига, тинчликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги учун ўртоқ Л. И. Брежнева ва ўрқаши бутун совет халқига қизғин миннатдорчилик изҳор этилган.

Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашлари коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувни астойдил тилайдилар, 1975 йил декабрь ойида Варшавада бўлиб ўтган ПБИП VII съездида Л. И. Брежнев сўзлаган нутқни мамнуният билан эслайдилар, Л. И. Брежневни унга Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» берилганлиги билан қутлайдилар.

Вроцлав ишчилари бундай деб ёзадилар: гитлерчилар фашизми устидан ғалаба қозонишга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ғоясининг ғалаба қозонишига шахсан Сизнинг катта ҳисса қўшганлигингизни биламиз. КПССнинг бўлажак XXV съезди муносабати билан Сизга, поляк халқининг улуг дўстига коммунистик қурилишда астойдил янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Польша Бирлашган ишчи партияси VII съезди ишларида Сизнинг шахсан иштирок этганлигингиз ва съездда сўзлаган нутқингиз поляк меҳнаткашларининг Сизга нисбатан меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилигини оширди, дейилади Серадзадги техникум ўқитувчиларининг ёзган мактубида. Тинчлик ва унинг мустаҳкамланиши поляклар учун ва бутун дунё халқлари учун бебаҳо хазинадир. Шунинг учун ҳам биз халқаро кескинликни юмшатиш ишига шахсан ҳисса қўшаётганлигингиз учун Сиздан, ўртоқ Л. И. Брежнев, чексиз миннатдормиз. Бу улуг ишда Сизнинг хизматингиз ва муваффақиятларингиз ҳақиқатан ҳам унутилмасдир.

Ломжинск воеводлигидаги Високий Мазовецке қишлоғининг партия аъзолари халқ Польшаси билан Советлар мамлакати ўртасидаги қардошларча муносабатлар социализм қураётган поляк халқи учун жуда катта аҳамиятга эгадир, деб ёзадилар. Ривожланган социалистик жамият қуриш программамизда биз марксизм-ленинизм таълимотига амал қиламиз. КПССнинг бой назарий ва амалий тажрибасидан фойдаланамиз. Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати туфайли Польшада кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгарди, бу эса амалда ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини амалга оширишга имкон берди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг чақирилиши ва унинг муваффақиятли ўтганлиги кескинликнинг юмшаганлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

Вроцлавдаги «Самопомоц хлопска» кооперативлари иттифоқининг аъзолари ўз мактубида ўртоқ Л. И. Брежневни тинчлик иши учун толмас курашчи ва Польшанинг улуг дўсти деб билганликларини таъкидлайдилар. Сизнинг мамлакатимизга нисбатан самимий муносабатингиз, халқ Польшасини иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга бераётган ёрдамингиз, дейилади мактубда, ҳар иккала мамлакатимиз халқлари ўртасидаги самимий ҳамкорликнинг ва тинчликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги курашимизнинг ифодасидир.

Белосток ёшлари совет меҳнаткашларини буюк бўлажак воқеа — КПСС XXV съезди билан қизғин табриклайдилар. Биз, халқ Польшасининг ёш авлоди олижаноб ленинча ғояларни амалга оширишда халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликни, ҳамкорликни, ўзаро ёрдамни, партияларимизнинг ғоявий бирлигини юксак қадрлаймиз, деб таъкидланади мактубда. Биз аминмизки, съезд қабул қиладиган қарорлар Польша билан Совет Иттифоқи ўртасида қардошларча муносабатни ривожлантириш ва кучайтириш га, тинчликни ва бутун дунёда коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, биз ёшларга эса тинч бунёдкорлик меҳнатини таъминлайди!

Варшавалик Зигмунт Каминьский ўз мактубида бундай деб ёзади: ўртоқ Л. И. Брежневнинг ПБИП VII съездида қатнашганлиги ва унинг сўзлаган нутқи поляк коммунистлари томонидан қизғин кутиб олинди. Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам қардошларча иттифоққина тинчлик ва социализмни мустаҳкамлай олади, деб таъкидланади мактубда.

Жешув бинокорлари ўз мактубида совет меҳнаткашларининг КПСС XXV съездига олиб бораётган тайёргарлигини зўр эътибор билан кузатиб турганликларини таъкидлайдилар. Абадий барҳаёт Ленин ғояларининг давомчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXV съезди, деб ёзади Сельцидаги деҳқончилик ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, биз, поляклар учун ҳам катта воқеага айланади.

## КЎПЧИЛИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

БИСАУ, 7 январь. (ТАСС). Гвинея—Бисау Республикасининг ташқи ишлар давлат комиссари Виктор Мариа Аддис—Абебага Африка бирлиги ташкилотининг фавқулодда сессиясига жўнаб кетиш олдидан сўзга чиқиб, Ангола Халқ Республикаси ҳукуматини сўзсиз тан олиш Ангола проблемасини ҳал этишнинг бирдан-бир йўлидир, деб айтди. Ангола озодлик халқ ҳаракати Ангола халқининг туб манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий ва қонуний ҳукуматдир, деб таъкидлади у. Шунинг учун ҳам мустақил Африка уни тўла ва ҳар томонлама қувватлаши керак.

БАНГИ, 7 январь, (ТАСС). Чад ҳукумати Африка бирлиги ташкилотини Ангола Халқ Республикасини сўзсиз қўллаб-қувватлашга даъват этди. Африка бирлиги ташкилоти министрлар кенгашининг фавқулодда сессияси очилиши муносабати билан Нжаминэ радиоси орқали эшиттирилган ҳукуматнинг расмий баёнотида ҳам Анголага қарши Жанубий Африка ҳарбийларининг қуролли босқинчилиги қаттиқ қораланади.

БРАЗЗАВИЛЬ, 7 январь. (ТАСС). «Жанубий Африка Республикаси қўшинларининг агрессиясини даф этишда Ангола халқига ёрдам бериш йўлларини кўрсатиб бериш, Анголада претория режимининг қуролли аралашувини қоралаш, Африка бирлиги ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатларнинг ҳаммасини Ангола Халқ Республикаси ҳукуматини тан олишга даъват этиш учун биз Аддис—Абебага жўнаб кетмоқдамиз». Конго ташқи ишлар министри Теофиль Обенга Эфиопия пойтахтига учиб кетишдан олдин ўтказилган матбуот конференциясида шундай деди. У мустамлакачилик ва империализм зулмидан қутулиш йўлида курашаётган халқларга ҳамиша мадад бериб келаётганлиги учун социалистик мамлакатларга ташаккур изҳор этди.

ЛАГОС, 7 январь, (ТАСС). Гана ташқи ишлар комиссари Рожер Фелли Ангола Халқ Республикаси ҳукуматини таниш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш Африка бирлиги ташкилотининг энг биринчи бурчидир, деди.

БУЖУМБУРА, 7 январь. (ТАСС). Африка озодлик халқ ҳаракатининг Жанубий Африка агрессорлари ва уларнинг қўғирчоқларига қарши курашдаги ғалабасигина Анголада тинчлик ва хавфсизликнинг гарови бўла олади. Бурунди ташқи ишлар ва ҳамкорлик министри Мельхиор Буакира Аддис—Абебага жўнаб кетиш олдидан бу ерда шундай деди.

НУАКШОД, 7 январь. (ТАСС). Мавритания президенти Моктар Ульд Дедда Ангола Халқ Республикаси ишига Жанубий Африка Республикасининг қуролли аралашувини қоралади.

## ҚУЛАЙ ИСТИҚБОЛЛАР

ЛОНДОН, 7 январь. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Гордон Мекленнал ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: тинчликни, қуролсизланишни, халқлар ўртасида савдо-муносабатлари ва дўстликни ривожлантиришни ёқлаб чиқаётган кишилар учун 1976 йилдаги истиқболлар яхши самара беради. Менинг фикримча, бу истиқболлар иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейинги ҳар қандай вақтдагига нисбатан яхшироқдир. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг муваффақиятли тугаллганлиги шундай умидворлик учун асос бўла олади.

Мекленнел сўзини давом эттириб, яна бундай деди: Тинчликнинг ва халқаро кескинликни юмшатишнинг душманлари Хельсинки кенгашида бошлаб берилган жараёнга ҳалакит бериш учун уринмоқдалар. Шу сабабли Хельсинки кенгашида тузилган битимларни амалга ошириш учун, якунловчи актда баён қилинган олижаноб мақсадларга эришиш йўлидаги курашни кучайтириш зарур.

## Ҳамкорликка бағишланган китоб

ДЕҲЛИ, 7 январь. (ТАСС). Ҳиндистоннинг «Манас паблиқэйшнз» нашриёти Ҳиндистоннинг таниқли экономисти Винод Мехтанинг «Совет Иттифоқи ва Ҳиндистоннинг индустриал тараққиёти» деган китобини кўп нусхада чоп этди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида экономика ва техника соҳасида ҳамкорлик ўрнатилганидан буён ўтган йигирма йил, деб таъкидлаб ўтилади китобда, Ҳиндистоннинг белгиланган мақсад сари саноатни тараққий эттириш ва иқтисодий мустақиллик сари олға ҳаракат қилиб боришига ёрдам берди.

Китобда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1973 йилда Ҳиндистонга қилган визити вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида имзоланган битимнинг аҳамиятига алоҳида ўрин берилади. Бу ҳужжат, деб ёзади муаллиф, Совет — Ҳиндистон муносабатлари тарихида муҳим босқичдир.

Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи, деб қайд қилади В. Мехта китобнинг охирида, экономика соҳасида бир-бири билан шерик бўлибгина қолмай, империализм ва янги мустамлачиликнинг даъволарига қарши курашда иттифоқчилар ҳамдир.

Германия Демократик Республикаси. Берлиндаги «Метрополь» театрининг артистлари франкочи режим томонидан таъқиб этилаётган Испания антифашист ватанпарварларига ёрдам бериш фондига маблағ йиғишди. Суратда: театр фойесида «бирдамлиқ бозори».

АДН—ТАСС фотоси.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БУХАРЕСТ.** Руминияда ўтган беш йиллик давомида электроэнергия ишлаб чиқариш 29 миллиард киловатт-соат ортди. Йирик энергетика объектларини — Лотру дарёсидаги ГЭСни, Роминари ва Брэил ТЭСларини ишга туширишдан, шунингдек бошқа станцияларнинг қувватини оширишдан йўл билан бунга эришилди.

Янги беш йиллик планида 1980 йилда электроэнергия ишлаб чиқаришни 75-80 миллиард киловатт-соатга етказиш мўлжалланди.

◆ **БРЮССЕЛЬ.** Брюс шаҳридаги «Фландария» фирмаси механика заводининг 400 дан ортиқ ишчи ва хизматчи иш ташлади. Кувен яқинидаги «Финиметаль» заводининг металистлари ҳам иш ташладилар. Меҳнаткашлар корхона эгаларидан коллектив шартномага риоя қилиш ва иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

◆ **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистон пойтахтининг марказида жойлашган Совет маданият уйида совет фильмлари фестивали бошланди. Бу фестиваль Совет Иттифоқининг коммунистик жамият қурилишида эришган муваффақиятларига бағишланган.

◆ **БИСАУ.** Яқинда Эфиопиянинг пойтахти Аддис-Абебада Африка Бирлиги ташкилотининг фавқулодда сессияси ўтказилади. Гвинея—Бисау Республикаси бу сессияда Ангола Халқ озодлик ҳаракати ҳукуматини қўллаб-қувватлайди. Республика ташқи ишлар давлат комиссари Виктор Сауде Мариа бу ерда ана шу гапларни айтди.

◆ **ЖАКАРТА.** Индонезия Марказий статистика бошқармаси хабар беради: ўтган йилнинг охирги ойида Индонезия пойтахтида тиричилик қилиш нинг процентдан зиёд қимматлашиб кетди.

◆ **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО.** Мамлакат танлаб олган «иқтисодий йўл» Бразилиянинг чет эл монополияларига қарам бўлишини кучайтириш ва қашшоқликнинг авж олишига ёрдам беради. Бразилия Миллий конгресси депутатлар палатасидаги оппозиция фракцияси раҳбарининг ўринбосари Фернанду Лира Ресифи шаҳрида сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди.

◆ **КАМПАЛА.** Бутуниттифоқ «Союзплодоимпорт» бирлашмаси бу ерда 1976 йилда Уганда-га 20 минг тонна ош тузи етказиб бериш ҳақида Уганданинг «Фудз энд безериджиз» давлат фирмаси билан тузилган шартномани имзолади. Совет Иттифоқи Африкадаги ана шу мамлакатга етказиб берадиган ош тузи унинг тузга бўлган эҳтиёжларини бутун йил мобайнида тўла таъминлайди.

(ТАСС, 7 январь).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

## УЛУҒ ВА ҚУДРАТЛИ ТИЛ

Республикамиз мактабларида рус тилини ўқитиш ва ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, миллатлараро алоқа тили бўлиб қолган рус тилини ўрганиш барча халқларимизнинг турмушини интернационаллаштиришда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Рус тили туфайли халкимиз фан-техника, маданиятнинг энг янги ютуқлари билан танишмоқда, энг яхши анъаналари, маданий-маиший урф-одатлар ва маросимларни ўзлаштирмоқдалар.

Ўзбекистон КП Пискент район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи — «Меҳнат байроғи» газетаси кечаги, 8 январь сонидаги материалларни район мактабларида рус тилини ўқитиш ва ўргатишнинг муҳим масалаларига бағишлади. Газетада район халқ маорифи бўлимининг мудири А. Мулжаонов, район халқ маорифи бўлимининг методисти Ш. Келишев, Ҳамза номли 1-ўрта мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Т. Чадина, Ленин номли 2-ўрта мактаб директорининг ўринбосари А. Гридин ва бошқалар Пискент район мактабларида рус тилини ўқитиш ва ўргатишдаги тажрибалар билан ўртоқлашадилар.

Бундан ташқари, газетада техника фанлари доктори Ёркин Соатов, нон қисмининг оддий солдати М. Машрабов, Черкасск шаҳар рус тили ва адабиёти педагогика институтининг II курс студенти Мовлуда Юнусовалар рус тили туфайли эришаётган ютуқлари тўғрисида марок билан ҳикоя қиладилар. Булардан ташқари илғор рус тили ўқитувчилари иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи корреспонденциялар бор.

Газета рус тилини ўрганиш соҳасида тўпланган тажрибаларни кенг ёйишда ва эришилаётган ютуқларни таҳлил қилишда ибратли иш қилган.

## КАКАО-ГАНА «ОЛТИН»И

Агар кимда-ким Ганага келиб қолса олтинранг мевали дарахтларга кўзи тушади. Унинг меваси фақат шохларидагина эмас, балки бутун танасида етилади. Бу — какао дарахти. Какаонинг биринчи кўчатлари Олтин соҳилга (Ганани илгари шундай дейишарди) асримизнинг бошларида Бразилиядан келтирилган эди. 30-йилларга қадар мамлакат территориясининг каттагина қисми какао плантациясига айлантирилди. Ҳозир какао Африкадаги бу давлат экономикасининг асосини ташкил қилмоқда. 1974—1975-қишлоқ хўжалик йилида Гана 330 минг тонна ёки дунё бўйича етиштирилган какаонинг бешдан бир қисми миқдорида хушбўй маҳсулот экспорт қилди.

Гана экономикасининг қандайлиги ва унинг какаога қанчалик боғлиқлигини қуйидагича таърифлашади: Бу мевани экспортга чиқариш канчалик кўпайса, хазинадаги олтинлар ҳам шунчалик кўпаяди, бу эса мамлакатнинг миллий бойлигини оширади ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилайди. Фақат капиталистик дунё кишиларидан озод бўлган давлатгина шунга эришиши мумкин. Гана сиёсий жиҳатдан мустақил бўлса ҳам бундай мамлакатлар тоифасига кирмайди. Эски давр қолдиқлари ҳали ҳам бор. «Какао—фойда» деб номланган занжирда капиталистик бозор ҳукмрон. Бундан ташқари деҳқон меҳнати билан бунёдга келтирилган бойликнинг жуда катта қисми Сити ва Уолл-стрит сейфларида сақланмоқда. Катта бизнес хўжайинлари ёш республикага сиёсий жиҳатдан ҳам таъсир кўрсатишяпти. Какао баҳосининг пасайиб кетиши Ганани ҳалокат ёқасига олиб келди. Капиталистик ишлаб чиқариш жаҳон бозорининг «Озод баҳолар ўйини» деб ниқобланган кризисли кўринишидаги Гананинг эртанги кунга ишончини йўқотмоқда.

Бироқ, кескинликнинг юмшатилиши ва ҳамкорлик шамоли какао «бозорини» ўтган замонга улоқтирмоқда. Гананинг сўнгги йилларда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўрнатилган ўзаро фойдали савдо-сотиқ ишлари бунга гувоҳ бўлади, Совет Иттифоқи ҳам Гана какаосини кўплаб харид қилмоқда.

Ҳозир Гана олдида жуда мураккаб вазифалар турибди: Экономикани қолоқликдан чиқариш, саноатни вужудга келтириш, биринчи навбатда кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини ташкил этиш. Республиканинг ҳозирги президенти озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришга ҳотима берадиган озиқ-овқат базасини яратишга интилмоқда.

А. ТЕРСКИН,
(АПН).

# АХБОРОТ

- ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИДАН
- ДОСААФЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА
- ҚАЛБИ ОЛОВ КИШИЛАР
- ПАХТАКОР ХЎЖАЛИКЛАР КУПАЯВЕРСИН
- ИЗЛАНИШ ВА ҚАШФИЁТЛАР

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Бахт посёлкасидаги 52-автобаза областнинг тўнғич ва донгдор ташкилотларидан биридир. Автобаза ўзининг бой ўтмиши, ажойиб анъаналарига эга. Бу ерда ишлаётган азаматларнинг кўпчилиги ўз касбининг ҳақиқий усталаридир. Яқинда бу ерда кекса авлод вакиллари билан ёшларнинг тантанали учрашуви бўлди. Учрашувда ёш ишчилар, студентлар, хизматчилар ва ўқувчи ёшлар иштирок этдилар. Автоколоннада узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, унинг шухратини оширган С. Солиев, И. Сметанкин, А. Куликов сингари меҳнат ветеранлари ёшларга Мирзачўлнинг ўтмиши, шонли ишчилар синфининг тарихи ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Учрашув охирида автобазанинг ёш, илғор ишчиларига эсдалик совғалар, кўкрак нишонлари топширилди. Сирдарё район комсомол комитети ва 52-автобаза дирекцияси билан партия ташкилотлари ҳамкорликда ўтказган бу учрашув ғоят мароқли бўлди.

## ҚУРИҚ ЕРДА ХЎЖАЛИКЛАР

Сирдарё областининг кенжа райони — Ховос йил сайин ривожланиб, жамол очиб бормоқда. Янги йил арафасида районнинг қўрик зонасида яна иккита пахтачилик хўжалиги 8 ва 8 «А» совхозлари ташкил топди. Ҳар икки совхоз деҳқонлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 5 минг тоннадан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Келгусида бу совхозларнинг ишлаб чиқариш қуввати янада ортади ва тармоғи кўпаяди.

А. УМАРОВ.

## НУРЛИ ГАЗЕТА

Мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Тбилиси, Боку, Душанба, Ашхобод, Фрунзе каби йирик шаҳарларидаги сингари Ленин орденли Самарқанд шаҳрида ҳам нурли-электрон газета барпо этилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область бошқармасининг органи ҳисобланган нурли — электрон газета ўнинчи беш йилликнинг учинчи куни — 3 январь оқшомида «Самарқанд» меҳмонхонасининг 12-қаватида иш бошлади. Шу куни нурли ёзувлар олисолислардан кўзга ташланиб турди. Кишилар Янги йилнинг биринчи кунларидаги қувончли воқеалар, характерли янгиликлар, областнинг ҳайноқ ҳаёти билан танишдилар.

Меҳмонхонанинг баланд қаватига жойлашган нурли-электрон газета ҳар оқшом кўрсатишни мунтазам давом эттирмоқда. Унда область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг инженер-техник ходимларидан бир группаси ишлайди. Электрон газета орқали шаҳарликлар ва меҳмонларга Самарқанд шаҳар ва областнинг сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётига доир турли воқеалар, характерли янгиликлар системали кўрсатиб борилади.

Л. ЭРГАШЕВ.

## ОЗУҚА ЗАВОДИ

Чўл шароитида чорва озуқаси тайёрлашга ихтисослашган Тельман номли совхозда (Конимех райони) озуқа ишлаб чиқарувчи завод қурилиши бошлаб юборилди. Унинг лойиҳа қуввати — йилига 30 минг тонна озуқа ва ем тайёрлашга мўлжалланган. Завод келажакда 10 минг бош қорамолга, ярим миллиондан зиёд қўйга етадиган миқдорда озуқа етказиб беради.

Ҳозир хўжаликнинг 4 минг гектар экин майдони бўлиб, унда беда, маккажўхори, оқ жўхори, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади. 1976—1978 йилларда совхоз экин майдонини 10 минг гектарга етказиш мўлжалланяпти.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж фабрикасининг ишчилари съезд олди мусобақасига қўшилиб, беш йиллик планларини ўтган йили ноябрь ойида бажариб қўйган эдилар. Умумхалқ мусобақасини тобора қизитаётган коллектив орасида пешқадамлар сафи тобора кўпайиб бормоқда. Карима Мирзаева билан Муҳтарам Ғуломозалар ана шулар жумласидандир. Бу илғорлар ҳозир 1978 йил ҳисобига ишлашмоқда. Суратда: смена топшириғини 130 процентга етказиб адо этишаётган К. Мирзаева ва М. Ғуломовалар.

А. Тўраев фотоси.

# СПОРТНИ СЕВГАНЛАР

Люда Сидненко нишонни мўлжалга олиб, ўзича бир нарса деб пичирладида ва тепкини босди...

— Баракалла! Тўғри нишонга урдинг! — деди Тошкент тепловоз-ремонт вагон заводи отиш секциясининг инструктори Фарида Тагирова. — Кўряпсанми, ишларинг юришиб кетди, сен бўлсанг бунга ишонмагандинг. Энди чемпионликка тайёрланавер!

Лангар-якор цехининг кранчиси Люда Сидненко учун спортнинг — ҳарбий техника турлари бўйича ўтказилган завод саралаш мусобақаларида охирги ўқ узиши ғоят мушкул бўлган эди. Ҳамма ишнинг пачаваси чиқади, мўлжалга тегизолмасман, — деб ўйлаганди. У бутун иродасини тўплаб, ўзини ҳаяжонланмасликка мажбур қилди. Мана ниҳоят орзиқиб кутилган ва кишини тўлқинлантирадиган ғалабага эришилди.

Ахир бундан бор-йўғи бир йил муқаддам у ана шу отиш мусобақасини ҳаёл ҳам қилмаган эди. Ҳамма иш шундан бошландики, Фарида қизларни тўплаб, ўз секцияси тўғрисида, ДОСААФнинг аҳамияти ҳақида гапириб бера бошлади. У шундай мароқли сўзлардики, ўша ернинг ўзидаёқ кўпгина ишчи хотин-қизлар рўйхатга ёзиб қўйишни илтимос қилдилар.

Қизларни албатта мусобақалар, мамлакат бўйлаб қилинадиган сафар тўғрисидаги ҳикоя ўзига жалб этгани йўқ. Отиш спорти довюраклар спорти. Ўшанда Люда ҳам ёзилди. Ишчи қиз-жувонлар ҳафтада уч марта сменадан кейин тирда машқ қилишди, қуролни тўғри ушлашни, нишонни аниқ мўлжалга олишни ўрганишди.

...Тагирова астойдил меҳнат қиладиган кишилардан бири. У институтда ўқиб юрган чоғидаёқ отишга қизиқиб қолди, заводга келганидан кейин ҳам севимли машғулотини ташлашни хоҳламади. ДОСААФ комитетида у отиш секциясига бошчилик қилмоқчилигини таклиф этади. Мана энди бўлса, спорт мастерлигига қариб тўрт йилдан буён кандидат, инженер-технолог Ф. Тагирова билан пардозловчи Садат Муротов мерганлар секциясига бошчилик қиладилар. Уларнинг ғайрати туфайли қариб 300 кишини бирлаштирган мана шу секция турли мусобақаларда дипломларни, ёрлиқларни, медалларни, кубокларни қўлга киритди.

Заводда Фарида. Садат сингари таппаёдускорлар кўплаб топилади. Масалан: Анна Васильевна Коротова бир маҳаллар ажойиб спортсмен бўлган: яхши югурарди, сузарди, граната ирғитарди, отарди. У бу ерда, қадрдон корхонасида отиш бўйича спорт мастери бўлиб етишди.

ДОСААФ активистлари армияга чақириладиган ёшлар билан ишлашга ҳам кўпдан-кўп эътибор бермоқда. Уруш ветеранлари, ҳарбий кисмларнинг намояндалари билан учрашувларни уюштириб турадилар, йигитларни спортнинг ҳарбий турларига жалб этадилар.

Автомобиль, парашют ва радиотелеграф, тўғаракларида ёш йигитлар айниқса кўп.

Радиотелеграф тўгарагининг инструктори Василий Харченконинг ўртоқлари ҳазил-мутойиба қилиб, «фидоий» деб аташади. Чунки у ўз ишини шу қадар меҳр билан севадики... Василий мактабдалик чоғидаёқ турли конструкцияларни чизмаларга қараб ясашга уринарди, армияда эса радистлик қилди. Заводга қайтиб келгач, ДОСААФда бирор жамоат топшириғи берилишини илтимос қилди. Йигитлар бундай яхши инструктор топилади, деб ҳаёл ҳам қилишмаган эди. Унинг ёрдамида икки йил мобайнида ўнлаб разряд эгалари тайёрланди. Армияда хизмат қилишга чақирилган қанчадан-қанча йигитлар билим бергалиги учун Василийни миннатдорчилик билан эслайдилар. Улардан баъзилари дўрустгина радист бўлиб етишди. Қисм командирларидан, йигитлар хизмат қилиб турган жойлардан келаётган мактублар бунинг далилидир.

Тепловоз-ремонт цехининг слесари — заводда кўнгилли спорт жамияти икки минг кишилик коллективининг юраги, деб ана шу жамиятнинг ранси Олимжон Мўминович Маллаевни айтишади. У ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, аммо сергайрат, бардам учувчи бўлган, лекин жанглардан бирида унинг самолёти уриб туширилган. Олимжоннинг ўзи яраланган. Врачлар учишни ман қилиб қўйишди. Лекин Маллаев фронтга интилиб ўз мақсадига эришди. Сталинград остоналарида жанг қилди. Курск ёйидаги жангларда контузия бўлиб қолди. Лекин жанг қилишни давом эттираверди. Венгрия, Австрия, Чехословакия — Олимжоннинг фронт йўлларидаги маршрутлари шулардан иборат.

Олимжон Мўминовичнинг саккизта жанговар ва меҳнат мукофотлари унинг мардлиги ва фидокорлигининг гувоҳидир. У жамоатчилик ишига, ҳарбий, техникавий билимларни пропаганда қилишга кўп куч сарфлайди.

Э. ТУХВАТУЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

## Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

## Телевидение

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — «Қорбобо совғини учун». 18.35 — **«Ахборот»**. 19.10 — Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди олдидан. 19.40 — **«Ахборот»**. 20.00 — **Хоккей: «Бостон Брюинз» — ЦСКА.** 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — «Чорвачилик — зардор фронт». 22.50 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — «Камалак» программаси. 12.15 — **«Сирли орол»** (бадиий фильм). 18.05 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — «Ёзувчи ва замон». 21.10 — **«Гул бўйида»**, (бадиий фильм, 2-серия). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Фильм-концерт. 21.15 — Телевизион бадиий фильм.

## Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/I да **Аяжонларим**, (12.00). **Уйланиш** (19.30), 10/I да **Мен Чилида ишонаман** (12.00), **Кўрмайин бодим тиконни** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/I да **Олифта** (12.00), **Тошболта ошиқ** (19.00), 10/I да **Жон қизлар** (12.00), **Нурхон** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 9/I да **Ташвишланманг онажон** (11.00, 15.00), 10/I да **Оқар сувлар** (11.00, 15.00).

«ШАПИТО» ЦИРКИДА — **«ЦИРКДА АРЧА» томошалари** (12.00, 15.00, 19.30).

## Кино

**Амрапали** — «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

**Денгиз ўт ичида** — «ЎЗБЕКИСТОН» (12.00, 15.00, 18.00, 20.30).

**Бўлиши мумкин эмас** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 12.00, 16.00).


Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг

ЧИНОЗ ШАҒАЛ-ҚУМ КАРЪЕРИ

ҲАММА ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИГА

**Автотранспорт билан инерт материалларни олиб кетиш учун сотилган талонлар фақат 1976 йилнинг 15 январигача ярашлигини**

БИЛДИРАДИ

**Талонларни алмаштириш карьер бухгалтериясида 15 январгача ўтказилади.**

**КУРСАТИЛГАН МУДДАТДА АЛМАШТИРИЛМАГАН ТАЛОНЛАР 1976 ЙИЛ УЧУН ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТАДИ ВА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ДАЪВОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.**

БУТУНИТТИФОҚ ҚИНИН ЭРИИДИРИ ВА ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИНИНГ

ЧИРЧИҚ ФИЛИАЛИ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ИШЛАШ УЧУН

**вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар; рангли металлургия, фойдали ва нодир металлар; қаттиқ жисм физикаси** (ўта қаттиқ материалларни тадқиқ этишнинг физик методлари); **юқори софлик ва прецизион қотишмали металлар металлургияси.**

**КОНКУРСДА ФАН ДОКТОРЛАРИ ЕКИ КАНДИДАТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ОЛИЙ МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН, КАТТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЖРИБАСИНИ ОРТТИРГАН ҲАМДА ИЛМИЙ ИШЛАРГА ҚОБИЛИЯТИНИ КУРСАТГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ҚАТНАШИШЛАРИ МУМКИН.**

**КОНКУРС МУДДАТИ — 25 январгача.**

**Конкурслар тўғрисидаги тартиб ва қоидаларга биноан ариза ва ҳужжатлар институт директори номига берилади.**

Адрес: Чирчиқ шаҳри-19, ЧФ ВНИИТС.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Кафедра мудирлари** (профессорлар, доцентлар); **чолғу асоблари, концертмейстерлик класси, методика ва практика, жисмоний тарбия:**

**Кафедра ўқитувчилари:** музыка тарихи, опера ғайёргарлиги (2 ўрин — опера класси дирижёри ва режиссёри).

**КОНКУРС МУДДАТИ—8 ФЕВРАЛГАЧА.**

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй. Телефон: 33-52-74.


*ҲЕЧ КИМ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ*

# ТАНКЛАР ТЎХТАГАНДА

ЖАНГЧИ ХОТИРАЛАРИДАН

1944 йил 5-6 август кунлари Руминиянинг Ясси шаҳри учун бўлган жангларда бизнинг қисмимиз кўп қийинчиликларга дуч келди. Мана шу кунлари бир неча километр орқага чекиндик ҳам. Бу кўнгилсиз воқеа гвардиячи номи билан жанг қилиб келаётган бизнинг танк корпусимиз шаънига тўғри келмасди.

«У-2» самолётида етиб келган иккинчи танк армия штаб бошлиғи генерал-майор А. И. Радзиевский корпусимизга махсус топшириқ берди.

— Ҳар қандай шароитда ҳам Ясси шаҳрини оласиз. Пиёда қўшинлар, тўпчиларимиз етиб келгунча 15-20 километр олдинга силжишингиз керак!

Карпат тоғининг этаклари ялпаланг. Танкларни яшириб ўт очиш учун ҳеч бўлмаса бир тут дарахт топилмасди. Шундайгина кўриниб турган танкларимизни немислар қийналмай мўлжалга олишарди. Душман ўқчи қисмларимизнинг йўқлигидан фойдаланиб автоматлар ўрнига «Фауст патрон»лари билан танкларга якинлашарди. Танкчилар машиналарини душман тўпидан қандай бўлмасин яшириш ва тўғри мўлжалга олиб ўт очишга ҳаракат қилар эди.

Қўмондонликдан буйруқ келди. «Жанг майдонларидаги немислардан колган ўлжа тўплар, миномётлар ишга солинсин. Танк экипажидаги тўпчилар, тўп ўқловчилар, собиқ миномётчилар тезда жангга!».

Ҳеч канча вакт ўтган йўқ, танк тўпчилари, миномётни отишни билган ҳар бир киши немис қуролларини ишга соларди. Онда-сонда бу ердаги жанг бўлган майдонда ўзимизнинг миномётлар ҳам учраб коларди. Доим душман танки билан юзма-юз отишга одатланган танк взводи, рота, батальон командирлари душман яхши кўринадиган тепаликларга чиқиб олиб, тўплар ва миномётлар ҳужумини бошқардилар. Аввало, «Фауст патрон»чиларини қииратишга киришдик. Сўнгра «ДОТ» ва «ЗОТ»ларга ўқ ёғдирдик.

Урушнинг биринчи кунларида Тошкент пулемёт-миномёт ҳарбий мактабини битирганимиз бу жангда яна бир бор иш берди.

Тун ярмида тўпчилар, миномётчилар етиб келишди. Бу қуроллар билан Карпат тоғида жанг олиб бориш мақсадга мувофиқ эди. Миномётчилар мактабини битирган Прохоров, Ребров ва менга миномёт взводларига командирлик қилиш топширилди. Танклар шаҳарни қамал қилиш учун душман орқасига йўл олди.

Ясси шаҳрига 12 километр қолганда яна янги кучлар кела бошлади. Лекин, на ўқчи қисмларимиз ва на тўпчи ва миномётчилар бош кўтаролмас эдилар. Осмонда душман самолёти ҳукмронлик киларди.

Барибир бўш келмадик. Немис пиёда аскарларини қайтариб, душманни бир неча километрга улоқтириб ташладик.

9 август, кечқурун юзга яқин душман танклари тўп ошиб келаверди. 76 миллиметрли танкка қарши отадиган тўпларимиз тилга кирди. Ялангликдаги танклардан икки четдагиси ва ўртадаги «тигр»дан аланга чикди. Шундан кейин улар орқага қочишга ҳаракат қилишди. Ўнг томондаги биринчи машинани ёндирган Юқори Чирчиқ районлик танкчи Борис Бобилов экан. У яна иккита «тигр»ни ишдан чикарди.

Тўпчиларнинг тунги жанги 3-4 соат давом этди. Бундай тунги «сабок»ни немис танкчилари жуда кўп кўришган. Душман ўз ҳужумини бизнинг ўнг томонимизга кўчирди. «Пантера»лар ва «Тигр»лар овози эшитила бошланди.

Тўпчиларимиз, миномётчилар немислар ҳужумини тўхтатишди.

Ясси шаҳри учун бўлган жангда қатнашган 9-гвардиячи танк корпус миномётчи ва тўпчиларидан бир қанча киши орден ва медалларга тақдим этилди.

10 август куни кечкурун кутилмаганда бизнинг қисмимиз бошқа фронтга — Польша чегарасига кетиши ҳақида буйруқ келди.

Бизнинг гвардиячи 9-танк корпусимиз Польша чегарасига биринчи бўлиб кириб, бир канча шаҳар ва қишлоқларни душмандан озод қилди. Висла дарёсига яқинлашганда яна бир қийиничиликка дуч келди. Руминия-да тоғ-тош шароити, бу ерда эса ўрмон-ботқоқликлар бизни анча мушкулга солди.

Немислар корпусимиз штабини ўраб олишга ҳаракат қилиб, алоҳида қуч ташлаган эди. Биз жанг қилаётган жойга батальон командири Гусевнинг алоқачиси етиб келди.

Капитан Гусев чақирипти, — деди алоқачи. Штабга келдим.

— Тез корпус командири ҳузурига етиб бор. — Гусев бошқа ҳеч нарса демади. Менинг ўрнимга ҳозир госпиталдан келган Черноусовни взвод командири қилиб тайинланди. Ҳар хил хаёллар бордим. Взводда одам кам колган. Иккитагина расчёт жанг олиб боряпти. Генерал билан бир марта, шахсан ўзи Кизил Юлдуз ордени топширганда учрашганман, холос. Нимага чакирди экан? Ана шу хаёллар мени чулғаб олди. Генералнинг блиндажига кириб бордим. Қаршимда ўша гавдали, ўзимизнинг комкор турарди. У мен билан сўрашмасдан бир энлик оқ қоғозга қизил қалам билан нималарнидир ёза бошлади. «Корпус штаби ўз жойини ўзгартургунча душман ҳужумидан сақлаш сизнинг зиммангизга юкланади. Корпус ҳузуридаги ҳамма хизмат взводларининг командирлари сизнинг ихтиёрингизда. Буйруқни адо этганингиз ҳақида комбат Гусевга доклад қиласиз!».

76-миллиметрли тўртта ўзи юрар тўпига штабдаги офицерлар ўтиришди. Бу машиналар ва менинг иккита миномёт расчетим душман келадиган йўлга ўрнаштирилди. Штаб, алоқачилар 1000 метр масофа атрофидаги окоплар ва миномёт расчёти ва ўзи юрар тўпларни телефонлар билан таъмин қилди.

Душман келишини кутардик. Немислар биргина олдимиздангина эмас, тўрт томондан келиш хавфи бор эди. Шунинг учун кучларни гир айлана қазилган окопларга жойлаштирдик.

Капитан Киселев немис тўпчи корректировщчигини кўрганини хабар қилди. Миномёт наводкачиси Тўйчи Чўлиев прицелни ўша корректировщикка тўғрилаб, бита минани отди. Немис тўпларининг овози ўчди. Шундан кейин маст-аласт немис солдатларининг овози эшитилди. Улар штабга қараб ҳужум бошлашди. Шу вакт ўзи юрар тўплар фашистларни думалата бошлади. Штаб офицерлари тўплар орқасига яшириниб, автомат ва наганлардан ўқ ўза бошладилар. Орқа томондан 200 га якин фашист солдатлари ҳужумга ўтишди. Чимиров командирлик қилаётган ўзи юрар тўп ҳужумга ўтган қизғунларни чилпарчин қилди.

Тўпчилар пулемётдан, тўпдан ўқ отиб бўлгач, занжирлари билан немис солдатларини янчий бошладилар. Фашистлар орқа-олдига қарамай қочиб колишди.

Тўпчи ва миномётчиларнинг ғалаба килгани ҳақида батальон командири капитан Гусевга доклад килдик. Шундан кейин яна ўзимизга топширилган янги жанговар топширикларни бажариш учун жангга кириб кетдик.

Р. ИСҲОҚОВ,
запасдаги капитан.

## СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

### МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

**БАРНАУЛ, 7 январь (ТАСС мухбири Н. Карасев). Деҳқончилик мирзиқорларидан 34 киши бугун колхозлар билан совхозларнинг меҳнатчиларига «Олтой ўлкасини юқори ва барқарор досил бердиган ўлкага айлантирамиз» деган даъват билан мурожаат қилдилар. Пешқадам деҳқонлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, партия XXV съезднинг делегатлари «Шипуновский» совхозининг тажрибали механизатори В. Савинов, «Путиловский» совхозининг комбайнчиси И. Максименко, Егорьев районидаги Фрунзе номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи П. Печенкин ва бошқалар бор.**

**Олтойлик донгдор ғаллакорлар ўз ҳамкасбларини мўл-кўл ҳосил етиштириш учун курашга чақирмоқдалар. Ҳайдаладиган майдонларнинг ҳар гектаридан самарали фойдаланиш, ернинг нурашига қарши кураш усулларини кенг қўллаш мўл ҳосил етиштириш йўлидир.**

### СИФАТ БЕЛГИСИ ҚУИИЛГАН ТАКСИЛАР

**ГОРЬКИЙ, 7 январь (ТАСС мухбири В. Нонов). Автомобиль заводининг йиғиш конвейерида бугук тағин бир операция амалга оширилмоқда — бешбўрчакли давлат Сифат белгиси қўлдиган установка ўрнатилмоқда. Бундан буён такси сифатида фойдаланиладиган янги «Волга»нинг «ГАЗ-24-01» маркали машиналари фахрли тамға билан белгилаб қўйилади.**

**«Волга» маркали янги машина капитал ремонтсиз 300 минг километр юра олади. Ҳорижий мамлакатларнинг таксичилари машинанинг ғоят узоққа чидашини таъкидламоқдалар.**

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

# БАХТ

Оқшом. Карнай-сурнай ва ноғоралар овози янграмоқда.

— Яна тўй борми? — сўрадим қўшнимдан.

— Ҳа, маҳалламизда ҳар куни тўй, хурсандчилик. Бугун шофер Ҳалил ака иккала ўғлини уйлантираяпти.

Кенг ҳовли. Дастурхон тўкин. Куёв билан келин учун ажратилган жойга: «Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмонлар», — деган сўзлар ёзиб қўйилган Узоқ-яқиндан меҳмонлар келишган. Ҳамма келин келишини кутмоқда. Ниҳоят ҳовли йигит ва қиз-жувонлар билан лиқ тўлди. Бир ёқда созанда-ю, хонандалар. Тўй қизиб кетди. Ёшларнинг ёру-дўстлари илиқ сўзлар айтиб, юрак сўзларини изҳор этмоқдалар.

Куёвнинг ота-онаси чеҳрасида табассум, ўғил ва келини ўтирган томонга меҳр билан боқишади.

Бу тўй ака-ука Қодиржон билан Абдуғофирнинг бахт тўйи эди...

Ибодатхон чорак аср муқаддам Ҳалил ака билан шу ҳовлида ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирганди. У ўша маҳалда Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида ишларди. Улар турмуш қурган биринчи кунларданоқ иноқ ва аҳил бўлиб яшадилар. Бир-бирларининг ҳурматини ўрнига қўйдилар. Ҳозир улар 14 фарзандининг ота-онаси. Ибодатхон — Қаҳрамон она. Уй-рўзғор ишлари билан банд. Болалар тарбияси ҳақида Ибодатхон билан суҳбатлашамиз:

— «Бола азиз, одоби ундан азиз» нақли бекорга айтилмаган. Янги тугилган болани ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш, ҳаётга йўлланма бериш бизнинг кўлимизда эканлигидан фахрланамиз. Боланинг хулқи, фезли-атвори бошқаларга маъқул бўлиши, кичикни иззат, кексани ҳурмат қилиши кўп жиҳатдан ота-онанинг аҳил ва бир-бирларини ҳурмат қилишларига ҳам боғлиқ. Биз ана шунга амал қиламиз.

Ота-онанинг ўз фарзандларига яхши тарбия беришлари туфайли бу оиладаги фарзандлар маҳалла аҳли ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Оиланинг тўнғич фарзанди Қодиржон Совет Армияси сафида йигитлик бурчини адо этиб келди. Ҳозир шофер бўлиб ишлаяпти. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент автомобиль йўллар институтининг кечки бўлимида таҳсил кўраётир. Умр йўлдоши Делором эса Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимида ўқияпти. Абдуғофирнинг рафиқаси Шоирахон эса 3-тикув фабрикасида ишлайди. У смена топшириқларини доимо ошириб бажариб келади. Ибодатхон келинларини ҳам оналик меҳри билан ардоқлайди.

Ҳалил ака оиласи республикамиздаги минглаб бахтли оилалардан бири. Унинг қувончи чексиз. Чунки, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездига лойиҳасида совет кишиларининг, ҳар бир оиланинг бахт-саодати, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришнинг ойдин уфқлари белгиланб берилган.

Ж. МАҲМУДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз бўлими мудири.

Тошкент шаҳар, «Илғор» маҳалласи.

*ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ*

**Ҳиндистон технология институти алюминий рудасини ташийдиган 70 километрлик қувур лойиҳасини ишлаб чиқиб битказди. Майдаланган руда сув оқизиб берадиган қувур Дхангарвади боксит конини Ратнагирида (Маҳаराштра штати) қурилиши мўлжалланган алюминий заводи билан боғлайди. Бу қувур боксит ташишда ўн тоннали 200 та юк автомобили ўрнини босади.**

* * *

**Каягатанэ тоғи этакларидаги Акэно қишлоғида (Яманаси префектураси) космик нурларни ўрганиш учун Японияда энг катта обсерватория қурила бошлади. Бу обсерватория Токио университети космик тадқиқотлар лабораториясининг буюртмасига биноан қурилади.** (ТАСС).

# БЕҲУДА ЧИРАНИШ

СУД ЗАЛИДАН

Кимсан, «Средазтрансстрой» трестининг Урганч шаҳридаги 206-қурилиш-монтаж поездида эркатой мастер бўлса-ю, маошга қаноат қилиб юравердими. Шундай ўй-ҳаёллар Николайни ётса ҳам, турса ҳам оромини бузарди. Ниҳоят, у ўйлай-ўйлай ўзича жўн, аммо қалтис ишга қўл урди. Ўзининг тасарруфида бўлган бозори чаккон бинокорлик материалларини зимдан сув қилиш йўлига ўтди. Чўнтагига мўмай пуллар оппа-осонгина окиб кира бошлагач, мастернинг иштахаси карнай бўлиб, нафси хаккалак ота бошлади. Кўза кунда эмас, кунида синишини ҳаёлидан ҳам ўтказмади у.

Урганч шаҳрида қурилаётган 44 хонали уй учун мўлжалланган 1,69 кубометр тахта буфетчи Арслон Мадраҳимовнинг уйига тушириди. Аммо, машина Урганч шаҳрининг «Победа» кўчасидаги 2-уйга кирар-кирмас милиция ходимлари томонидан ушланди.

Николай-ку нафсини тиёлмай қўлга тушди, ҳашаги очилиб колди. Лекин, 206-қурилиш поезди раҳбарларининг қўли эгри мастер хусусида тутган йўллари таажжубланарлидир. Бошлик А. И. Казимиров, касаба союз маҳаллий комитетининг собиқ раиси А. Н. Шумилов ўртоқлар Николайни сувдан қуруқ олиб чиқиш йўлида роса жон куйдирдилар. Улар имзоси билан милиция бўлимига йўлланган хатда Н. Ф. Токарь сутдан ҳам ок килиб таъриф-тавсиф этилган. Бирок ғишт колипдан кўчгандан кейинги ғиппа-чиппанинг нафи бўлмади. Қисқа вакт ичидагина мазкур қурилиш ташкилотида бир неча марта социалистик мулкни талон-торож қилиш факти содир бўлганлигини қандай бахолаш мумкин?

Кинғир ишнинг қийиғи чиқмай колмас экан. Харом лукмани ҳазм қилишга уринган Н. Токарь қилмишига яраша жазосини олар, бирок қурилиш поезди раҳбарлари бундан қандай хулоса чиқариб олишаркин?

Ю. ЮСУПОВ.

**Урта Осиё темир йўли Урганч станцияси линия милиция бўлимаси кизмат бўлими бошлиғи, милиция майори.**

Т. РАҲИМБОЕВ,
**«Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости аъзоси.**


Редактор М. КОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Ўрган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03119. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 6.